

## ИИБ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Мажлисида дастлаб республика ички ишлар идораларининг 2006 йил тўққиз ойи мобайнидаги тезкор-хизмат фаолияти, жиноятчиликка қарши кураш якуналари ҳамда ҳуқуқ-тартиботни, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалари кўриб чиқилди.

Сўнгра республика ички ишлар идоралари томонидан терроризм ва унинг турли кўринишларига қарши кураш борасида жазони ижро этиш муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тезкор-профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда диний экстремизм ва терроризм йўналишидаги, конституцион тузумга қарши жиноятлари учун қидирувда бўлган шахсларни қидириб топиш бўйича амалга оширилаётган

ишларнинг аҳволи муҳокама этилди.

Ҳайъат якунида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги идораларнинг, бўлинмалар ва таълим муассасаларининг муҳандислик тармоқ ва коммуникация, қозон ускуналари ҳамда автотранспорт воситаларини 2006-2007 йилларнинг кузги-қишки мавсумида ишлашга тайёргарлиги муҳокамага қўйилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.


### «ПАХТА – 2006»

Республикада пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси тайёрлаб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Шу муносабат билан Президентимиз И. Каримов Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида: «Сизлар эришган бугунги юксак зафар мард ва фидойи деҳқонларимизнинг барчамиз орзуният қилган буюк марраларни забт этишга қодир эканини яна бир қарра амалда исботлаб бергани билан қадрлидир», дея заҳматкаш бободехқонларимиз меҳнатига юқори баҳо бердилар. Мамлакатимиз раҳбарининг бу таърифи нафақат пахтакорлар, балки пахта йиғим-теримида жалб этилган барча соҳаларнинг вакиллари, шу жумладан, ички ишлар ходимларига ҳам таалуқли, десак ҳеч янглишмаган бўламиз.

Мавсум давомида уюшқоқлик намунаси кўрсатилгани тўғрисида юксак хирмон кўтарилди, белгиланган режа удаланди.

Йиғим-терим ҳамон давом этмоқда. Республика ички ишлар идоралари ходимлари жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, пахта ҳосили ўғирланиши, талон-торож қилиниши ва ноқонуний равишда қўшни давлатларга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солишарди. Ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари вакиллари, хўжаликларнинг раҳбарлари, фермерлар биргаликда пахтазорлар, пахта қабул қилиш пунктлари, маҳаллалар ва бошқа жойларда бўлиб, тушунтириш ишлари олиб боришарди яхши самара бермоқда. Аммо шунга қарамай, мўмай даромад орттириш илинжида қонунбузарликка йўл қўяётган шахслар аниқланиб, тегишли чоралар кўриларди.

Шу йил 18 октябрь кунига қадар республика ИИБ «Пахта – 2006» тезкор штаби томонидан пахтани ўғирлаш, талон-торож қилиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ 13та жиноят



қайд этилди. Майда ўғирлик ва хом ашёни республикадан ташқарига олиб чиқиш эса 100 га яқин ҳолатни ташкил этди. Ҳуқуқбузарлардан жами 16106,5 кг. пахта хом ашёси олиниб, қабул пунктларига топширилди.

Пахта майдонини пайҳон қилишга йўл қўйган 549 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 7.498.940 сўм миқдорда жарима ундирилди. 113 бош майда ва

йирик чорва моллари сўйилиб, гўшти кам таъминланган оилалар ва болалар уйларида тарқатилди.

Мавсум бошидан буён ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган ишчи-хизматчилар, мансабдор шахсларга 5 млн. 171 минг 780 сўм миқдорда жарима солинди. Теримчи ва ҳашарчиларни жиҳозланмаган транспорт воситасида пахта даласига олиб чиқиш, ҳосил ташишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик бўйича 1577 та ҳолат аниқланди.

Келтирилган рақамлар ички ишлар ходимлари деҳқонларга камарбаста бўлиб, миллий бойлигимиз бўлган пахта хом ашёсини сақлаш учун нечоғли саъй-ҳаракатлар қилишарди кўрсатиб турибди. Касби ва бурчида содиқ посбонларимиз топширилган вазифаларни сидқидилдан адо этиш учун бор маҳоратларини ишга солавердилар.

**Ғ. ПАРМАНОВ,**  
республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ  
бошлигининг ўринбосари,  
подполковник.

## ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлигининг ўринбосари, Молия-иқтисод бошқармаси бошлиги, майор Джамалитдин Алланазарович Сулайманов.

Джамалитдин Алланазарович Сулайманов 1966 йил 24 июнь кунини Сирдарё вилояти Гулистон туманида туғилган. Маълумоти олий, 1990 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини, 2001 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1995 йил Сирдарё вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими тафтишчиси вазифасида бошлади. 1995-1999 йилларда Сирдарё вилояти ИИБ ижтимоий-молиявий таъминот хизматида бевосита бўйсунувчи бўлинмалар марказлаштирилган бухгалтериясининг бош ҳисобчиси, 1999-2004 йилларда Сирдарё вилояти ИИБ молиявий-таъминот бўлими бошлиги, 2004-2006 йилларда Сирдарё вилояти ИИБ ижтимоий ва Молиявий таъминот хизмати бошлигининг ўринбосари, молия-иқтисод бўлими бошлиги, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Назорат ва тафтиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари – иккинчи бўлим бошлиги лавозимларида ишлаган.



## МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА

*Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ИИБ раҳбарлари, ҲООБ профилактика инспекторлари, Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ, Тошкент Транспорт прокуратураси, туман прокуратураси, Тошкент минтақавий темир йўл узели, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг масъул ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, мактабларнинг директорлари, уларнинг маърифат, маънавият ишлари бўйича ўринбосарлари қатнашишди.*

Туман ҳокими Ш. Иргашев йиғилишни кириш сўзи билан очар экан, туман ҳудудининг тавсифи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, айниқса, вояга етмаган ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача ахборот берди.

Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиги ўринбосари, подполковник Б. Фаниев болалар томонидан темир йўллар ва улар атрофида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида тўхталиб ўтди. Айниқса, рангли металл ўғирлиги, поезд вагонларига тош отиб, ойналарни синдириш ҳолатлари ҳамон қайд этилаётганини алоҳида таъкидлади. Тошкент минтақавий темир йўл узели бош муҳандиси Ф. Мақсудходжаев темир йўл билан боғлиқ муаммолар, хусусан, темир йўл атрофида болаларнинг ўйнаб юриши ёки мол



боқиши оқибатида рўй бераётган фалокатлар, уларнинг олдини олиш бўйича ўз мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашди. Туман прокурори М. Эрматов ҳудудда содир этилган жиноятлар бўйича олиб борилган тергов ишларининг сифати, ушбу жараёнда терговчилар ва суруштирувчилар томонидан қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи хусусида гапирди. Тошкент Транспорт прокурори А. Маннопов жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақида фикр билдирди.

Йиғилиш сўнгида иштирокчилар келгусида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олишди.

Умида БОЛЛИЕВА.  
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.  
Акмал ХАЙРУЛЛАЕВ олган суратлар.

**Аслида Марғилон шаҳар ИИБ профилактика катта инспектори, капитан Эркинжон Мирзоқандовнинг бошқалардан ажратиб турадиган алоҳида фазилатлари йўқ. Қадди-бастининг келишганлигину жисмонан соғломлигини айтмайдиган бўсангиз, бугун ўтказилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ички ишлар сафлари айнан шундай алқомат йигитлар ҳисобига тўлдирилмоқда. Демакки, бу борада Эркинжон яккаю ягона эмас. Таърибаси ва касб маҳорати назарда тутилса, ҳар ким ҳам йиллар давомида ўз касбининг ҳадисини олиши, таъриба тўплаши турган гап. Эркинжонни бошқа ҳамкасбларидан фарқлаб турадиган жиҳат шундаки, унинг танлаган касбига иштиёқи ўзгача. Бурча муносабати бошқача. Атрофидаги одамларга меҳр-муҳаббати айрича. Эсингиздами, Муҳаммад Юсуфнинг: *“Сизда ором қайда, сизда тин қайда, Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда...”* деб бошланадиган шеъри? Шоир ҳаётлигида ушбу сатрларни қоювза тушираётган пайтда айнан Эркинжону ва унга ўхшаши фидойи посбонларни кўз олдига келтирган бўлса, ажаб эмас.**

...Эркинжон уйига келганда, соат миллари тунги 11.00 га яқинлашиб қолганди.

— Яхши келдингизми, дадаси, ўтиринг, ҳозир дастурхон ёзаман, — деди Фаридохон ва аллақачон совиб қолган овқатни иситиш учун қозоннинг тагига олов ёқди.

Эркинжон кийимларини алмаштириб олгач, бир чиройли бўлиб ухлаётган ўғилларининг тепасига келди. Уларга соғинчу завқ билан узоқ термулди. Кейин катта ўғли Элёрнинг тунов кунги гапи эсига тушиб, лабларига кулги ёйилди. “Дада, Жавлонбек сизни амаки деворса ажабланманг, — деганди у ухлаб ётган олти ёшли укаси томонга ишора қилиб. — Қачондан бери сизни кўргани, “ачом-ачом” қилгани йўқ. Келганингизда ҳам, кетаётганингизда ҳам уйкуда бўлади. Танмай қолиши ҳам мумкинмида-а?”

— Аскиячи ўғилнинг ўзи ҳам қотиб қолибди-ку? — деб жилмайдди Эркинжон ва вужудида ҳорғинлик сезиб, оромкурисига чўкди.

Мана, бир неча йилдики, у Марғилон шаҳрининг “Шарқ” худудида профилактика катта инспектори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ёлғиз эмас, ёнида ҳамкасблари — капитанлар Исроил Жалолов, Акбарали Исмоилов, Дилмурод Содиқов, лейтенант Собир Аҳмедов, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, катта лейтенант Мирзоқид Мадазимовлар бор. Аммо худуд ҳам катта-да. Аҳоли сони 34 минг нафарга яқинлашиб қолди. Саккизта маҳаллада 90 та кўча бор. Яна учта умумтаълим мактаби, тўртта болалар боғчаси, учта коллеж, марказий шифохона, болалар уйи, рўйхатга олинган тўртта маҳит... Уларнинг ҳаммасига ҳар кун бири марта бош суқиб кўйилмасе, иложи йўқ.

Кунни кеча таҳлил қилиб кўришса, худудда умумий жиноятчилик ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан камайибди. ИИБ бошлиғи бунга алоҳида таъкидлаб, Эркинжон ва унинг ҳамкасбларига ташаккурнома билдириди. Лекин бу хотиржамликка берилишга асос бўлмади. Салгина бепарволикка берилиб, хизмат сусайтирилса, вазият барқарорлиги бошқача тус олиши, тескарисига айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Тўғри, Марғилон шаҳри, жумладан “Шарқ” худудини иймон ва диёнат маскани, деб бемалол айтиш мумкин. Зеро, покдомонликни касб қилиб олган орийатли одамлар жуда кўп. Аммо барибир беш қўл баробар эмас-да. Аслида одамнинг бегонаси бўлмас экан. Ҳақ гап. Бундоқ ўйлаб кўрилса, роудан ҳам ҳаммамиз ҳазрати Одам Атодану Момо Ҳаводан тарқоганмиз. Қолаверса, ички ишлар соҳасини танладингми, ўзинг хизмат қилаётган худудда ҳуқуқ-тар-

тиботни мустаҳкамлашга масъулсан, тўғрироғи мажбурсан. Демак, ён-атрофингга яшаётган юртошларнинг хотиржамлигини



# ЛИН ЪЗОЗЛАГАН РКИНЖОН

ҳимоя қилиш, бу борада ҳар қандай манфаату хузур-ҳаловатдан воз кечиш — сенинг бурчинг. Бурчи адо этмаслик эса хиёнат билан тенг!

“Шарқ” худудида барча маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, маҳалла посбонлари ва фаоллар иштирокида тунги навбатчилик ташкил қилингани зап иш бўлди-да! Бу ўз самарасини берапти. Чунки ўғрию каззоб, қиморбозу гиёҳванд, ишратпарасту суюқоёқ кимсалар асосан куннинг қоронғи пайтларида “ов”га чиқишади. Ўтган йилги воқеа бунга мисол.

Тунги соат 2.00 ларда катта лейтенант Мирзоқид Мадазимов ҳамда маҳалла посбони Шўхрат Охунжоновлар билан бирга худудни айланиб юришганди. Иттифоқо Ашхобод кўчасида санқиб юрган шахсга дуч келиб қолишди. У қочишга уриниб кўрди-ю аммо эпломлади. Ички ишлар ходимлари ўзига нисбатан чапдаст ва бақувват эканлигига иқрор бўлиб, тақдирга тан берди. Маълум бўлишича, у қотиллик жиноятини содир этиб, қидирувда юрган, боз устига, айнан шу кунни эгасини тунаб, “Тико” русумли автомашинани олиб қочган шахс экан.

Худудда жиноятчиликни янада камайтириш мумкин. Бунинг учун ишлаш, ишлаганда ҳам изланиб, ташаббус кўрсатиб ишлаш керак. Биринчи гада “Кумтепа” бозорини тартибга солиш учун нимадир қилиш зарур. Ҳозирча бу бозорни бир сония ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. “Кумтепа” деган ном нафақат Фарғона, балки қўшни Андижон ҳамда Наманган вилоятларида ҳам машҳур. Бир кунда аτροφ туманлар ва қўшни вилоятлардан қанча одам келиб-кетди — ҳисобига етиш қийин. Ана шундай гавжум жойда тез-тез ўғрилиқ юз бериб туради.

Сал бепарволикка берилсанг, киссавурлар гимирлаб қолишади. Ваҳоланки, умумий жиноятчиликнинг асосий қисми ҳам шу бозордаги қонунбузарликлар ҳиссасига тўғри келади. Хуллас, иш кўп.

Халқ ибораси билан айтганда, бош қашинга қўл тегмайди. Мана, бугун ҳам эрталабдан кечгача, нари борса ярим соатлик тушликни ҳисобга олмаганда, тиним нималигини билмади. Тикка оёқда юрди. Шаҳар ИИБда ўтказилган эрталабки тақсимотдан қайтиб келгач, маҳалла фаоллари йиғилишида иштирок этди.

“Туркистон” кўчасида яшовчи Абдумаликнинг яна бежо юриши уни ташвишлантираётганди. Отаси ёшлигида ўтиб кетган йигит орномусни бир чеккага йиғиштириб, гиёҳвандликка ружу қўйди. Қийин-қийин — аллақачон сочларига қиров қўнган онаизорига қийин. Авваллари бунақа эмасди. Бирданига қариди-қолди бечора. Уни ғам-ташвиш адо қиляпти. Юзлари ажиндан бужмайиб кетибди. Эҳ, нобакор ўғил, бориб-бориб онангни қаритдинг-а, онангни!

Эркинжон йиғилишда шу масалани фаоллар ҳукмига ҳавола этди. Улардан маслаҳат сўради. Ахир кенгашли тўй тарқамас, деганлар. Кўпни кўрган отахонлар бу

гайиб ўтирган онаизорига пул топиб бер, дея дағдаға қилар, кампир эса бошини чангаллаган қўйи қон-қон йиғларди. Сал бепарво бўлинса, волидасига қўл кўтаришдан ҳам тоймайдиганга ўхшайди.

— Нима гап, тинчликми? — дея ичкарига кириб боришди ички ишлар ходимлари.

Муштипар кампир уларни кўрдию, хўрлиги келиб, ўкириб юборди:

— Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим-ку, болам? Ҳар кун аҳвол шу: ароққа пул топиб бер, дейди. Нафақам аллақачон соб бўлган бўлса, нима қилай? Ҳо, ароқни ўйлаб топганини уйи куйсин!

Аслида Дилкаш ёмон йигит эмас. Ичмаган пайтларида кўрсангиз, гап-сўзларига ҳатто ҳавасингиз келади. Ичиб олганда эса отасини ҳам танмайди. Хотини унинг нағмаларига тишини-тишига қўйиб, роса чидади. Охири тоқати тоқ бўлди. Икки нафар боласини олиб, аллақачон ота уйига кетиб қолган.

Она барибир она экан-да. Шўрлик Зулфия опа нима қиларини билмайди. Сассиқ экан, деб

пектори Дилкашга панд-насиҳат қилгач, муштдеккина бўлиб қолган кампир билан узоқ суҳбатлашди. Ва ниҳоят икковининг фикри бир жойдан чиқди: Дилкашни даволатишдан ўзга чора йўқ.

— Илоё, дунё тургунча туринг, болам, — деб зорланарди кампир хайрлашаётган чоғларида ҳам. — Бир иложини қилингу, боламини даволатиб беринг. Кейин келинимни ҳам обкеб берсангиз. Невараларим кўз олдидан нари кетмаяпти, соғинчдан юракларим ўртаниб бораёпти.

— Майли, опа, кенгашиб бирор чорасини топармиз, — деди Эркинжон қайтаётганларида.

Шундан кейин мажбурий назорат остида турган диний-экстремистик оқим вакиллари билан шуғулланишга тўғри келди. Ростини айтганда, йўлдан адашганлар худудда анчагина. Уларнинг 5 нафари жазо муддатини ўтаб қайтди. 6 нафари эса жазони ижро этиш муассасаларида. Жазони ўтаб қайтганларнинг ҳам, жазо муддатини ўтаётганларнинг ҳам оила аъзоларини бирор кун эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Кўр ҳассасини йўқотса бир марта йўқотсин, икки марта эмас! Чунки аслини суриштирсангиз, улар ҳам бегона эмас. Қон жиҳатдан бегона бўлсалар-да, миллат бирлаштириб туради ҳам-мани.

Хуллас, бугун ҳам куш тинса тиндики, ҳамкасблари қатори Эркинжон тиним нималигини билмади. Қизиқ, иш устида билинмаган экан, кечга бориб оёқлари зирқираб оғриётганини сезди. Ичида нимадир гулдирди. Қорин ҳам нақ пиёзнинг пўсти бўлиб кетибди. Шунда ҳам бугун кўргани — ичкиликбоз Дилкашнинг онаси — Зулфия опанинг нолакор қиёфаси кўз олдидан кетмасди: “Илоё, дунё тургунча туринг, боламини даволатмасангиз бўлмайди. Кейин невараларимни ҳам жуда соғиндим, юракларим ўртаниб бораёпти!”

“Бу ишни шундай қолдириб бўлмайди, бирор чорасини топши керак. Насиб этсе, эртагаёқ Дилкашнинг масаласи билан шуғулланаман, — деди Эркинжон ўзига-ўзи ва бостириб келаётган уйкуни ҳайдаш учун тобора оғирлашиб бораётган қовоқларини ишқалади. — Айнан Зулфия опа учун ҳам шундай қилганим бўлсин. Чунки у — она. Оналарнинг эса бегонаси бўлмайди...”

— Дадаси, бир чўқимгина ош дамлагандим, еб ола қолинг! — деди Фаридохон хонага кириб келаркан.

Аммо бу пайтда Эркинжон уйкуга кетган, енгилгина хуррак отганча ором оларди...

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**



Капитан Э. Мирзоқандов маҳалла посбони Ш. Охунжонов билан ҳаминча ҳамфирдир.

Инсон қайси бир касбда ишламасин, кимгадир эргашади, ундан ўрганади, маҳоратини оширади. Ҳаётда ибратли фазилатларга эга бўлиш учун ҳам кимдандир ўрганиш лозим. Яъни мураббийга эргашшиш, ундан ҳаёт сабоқларини олиши керак. Ана шуларни ҳисобга олиб ички ишларда хизмат бошлаган янги ходимга мураббий бириктириб қўйилади.

# МУРАББИЙЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Мураббий сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, тарбиячи, одоб-ахлоқ ўргатувчи дейилса, айримларга эриш туюлиши мумкин. Мураббий болалар боғчаси, мактабларда бўлади, дейдиганлар ҳам топилади. Бироқ инсон учун бирор касбнинг бошини ушлаб, уни пухта эгаллаш учун изланиб, етук мутахассис бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Унга инсоний фазилатлар ҳам зарур бўлади.

Ички ишлар ходими доимо фуқаролар билан муомалада бўлади, жамоатчилик ичида ишлайди. Одамлар билан муомала қилиш, шикоят, ариза билан келган, жанжаллашиб, келиша олмай қолган кишиларни муросага келтиришда ички ишлар ходими энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилиши керак. Шунинг учун ҳам хизматга янги келганларни касб нуқтаи назаридан одобли, ахлоқли, маданиятли бўлиши шартлигини ҳисобга олиб, уларга мураббий тарбияси зарур бўлади.

маданиятини ўргатиш билан бирга амалий кўмак бераётганларини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Мураббийнинг ўзи, аввало, жамоада ҳурмат-эътиборга эга, маданиятли, яхши инсоний фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўладиган, хизматда тажриба орттирган ходим бўлиши керак, албатта. Мураббий ёш ходимнинг маънавияти, маданиятини ошириш билан бирга, касб сирларидан ҳам воқиф этади.

Мураббий бўлишнинг масъулияти катта. ИИБ олий ўқув юртини битириб хизматга келган ёш йигит фуқаролар билан муомала қилиш, уларга мавжуд тартиб-қоидаларни тушунтириш, кўпчилик олдидан ўзини тута билиш кабиларни яхши билмаслиги табиий. Мураббий унга ана шу жиҳатларни шундай ўргатиши керакки, ёш ходим фуқаролар ўртасида тезда яхши фазилатлари билан танилиб, ҳурматга сазовор бўлсин. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, бир ходимнинг маданиятсизлик қилиши бутун ички ишлар ходимларига нисбатан салбий фикр уйғотиши мумкин. Сир эмас, гоҳида фуқароларимиздан айрим ички ишлар ходимининг қўпол муомала қилгани, ўзини одобсизларча тутгани ҳақида шикоятлар тушади. Фарзанднинг ёмон қилиғи учун ота-онаси таъна эшитгани каби ходимнинг маданиятсизлик қилгани учун мураббий ҳам жавобгардир.

Мураббий ёш ходимга ота-онадай гап. Фарзанд ҳаёт сабоқларини ота-онасидан олади, унга эргашади, тақлид қилади. Модомики шундай экан мураббийликни ана шу масъулиятли вазифани уддалашга лойиқ кишиларга топшириш лозим.

**Бахтиёр САФАРОВ,**  
подполковник.

Суратда: **Жиззах вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходими, йигирма йилдан ортиқ ички ишларда хизмат қилаётган катта сержант Негмат Сатторовни (ўртада) ёшлар меҳрибон мураббий сифатида ҳурмат қиладилар.**

**А. КЕНЖАЕВ** олган сурат.

*Евросиё Иқтисодий Ҳамжамияти (Евр-АзЭС)га Ўзбекистон 2005 йилнинг ноябрь ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитда аъзо бўлди. Бунга сабаб шуки, бу ташкилот фаолиятининг йўналиши кўп жиҳатдан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га ўхшаб кетарди. Бу ҳолат кейинчалик кўриб чиқилиб, аниқ бир қарорга келинди.*

Ўзбекистоннинг бу ҳамжамият билан асосий ҳамкорлиги 2006 йилнинг июнь ойидан бошланди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкентда Евр-АзЭС Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди. Бу учрашув асосан Ҳамжамият Давлатлараро

дошлиқнинг қадрига етиб, хавф-хатарга қарши биргаликда курашаётган, қолаверса, мазорларни бозорлари бир халқларнинг бир-бирларига яна ҳам яқинлашганига нима етсин. Шунингдек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари янги мазмун билан бойигани янада аҳамиятли эканини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Энди Ҳамжамият олдидан турган довонлардан олтовлан биргаликда ошиб ўтилади. Булар — Россия, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондир.

Шубҳасиз, ЕврАзЭС доирасидаги ҳар томонлама ҳамкорликлар Ўзбекистондаги ерости ва ерусти бойликларидан фойдалана

Шунингдек, ЕврАзЭСга аъзоликнинг сиёсий аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Ўзбекистон катта давлатларнинг геосиёсий манфаатлари кесишган минтақада жойлашган. Ўзгариб турган вазиятдан келиб чиқиб, улар бизга тазийқ ўтказишлари мумкин. Ҳамжамият таркибида елкадош ҳамкорлар билан бирга бўлиш Ўзбекистонни турли таъсир ва тазийқлардан ҳимояланишни кафолатлайди. Шу билан бирга, ҳамжамият фаолиятидаги иштирокчимиз билан Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, барқарорликни таъминлаш ва ҳамкорликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Шунингдек, халқаро масалаларда ўзаро келишиб биргаликда ҳаракат қилишимиз учун қулай имконият яратлади.

Яна бир томони, Ўзбекистоннинг ЕврАзЭС фаолиятида иштирок этиши ташкилотнинг салоҳиятини кўтариш билан бирга обрўсини ҳам оширади. Бу фикр Россиянинг оммавий

# ЎЗБЕКИСТОН

## ВА ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ



ро Кенгашининг навбатдаги саммитига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлса-да, аслида аъзо бўлиш билан боғлиқ ҳуқуқий жараёнларни якунига етказиш борасидаги масалаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият эди. Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Ҳамжамият сафидан расман ўрин олган бўлсада, буни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ расмийлаштириш учун ҳали анча иш қилиниши керак эди.

Шундай қилиб, ЕврАзЭС Давлатлараро Кенгашининг шу йил июнь ойида Минск шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги саммитида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам иштирок этди.

Бугун дунё ўзгармоқда. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида яқка ҳолда ривожланиб бўлмайди. Президентимиз буни кўп марта таъкидлаб ўтди. Умуман, тараққиётга ҳамкорлик йўли билан биргаликда эришилади. Албатта, ЕврАзЭС доирасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз учун катта имкониятлар эшигини очади. Интеграциянинг қамрови кенг. Иқтисод ва ижтимоий ҳаёт ҳам, таълим ва илм-фан тараққиёти ҳам, эркин савдо ва божхона иттифоқи ҳам, қонунчилик ва халқаро ҳамкорлик ҳам шу жараён таркибига киради. Ўзаро ишонч ва елкадошлиқ деярли ҳамма соҳада яқин ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, деганларидек ЕврАзЭС доирасидаги алоқалар, аввало, қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилиш имконини беради. Бундай елкадошлиқнинг масъулияти катта. Яъни, бир дарёдан сув ичиб, бир далада деҳқончилик қилаётган, дўстликнию қар-

ниш ва уларни экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтиради. Айниқса, нефть ва газ саноатида, умуман, энергетика соҳасида амалга оширилган улкан лойиҳалар мамлакатимизнинг куч-қудрати ва иқтисодий салоҳиятини яна ҳам оширади. Ўзбекистон стратегик хом ашёга жуда бой. Бу борада илгари асосан пахта ва пилламиз билан фахрланган бўлсак, бугунги кунда газ бўйича геология-қидирув ишлари олиб боришда ҳамда топилган газ ва нефть захираларини ўзлаштиришда Россия билан бирга катта лойиҳаларга қўл урганлигимиз, сўзсиз, стратегик хом ашё масаласида имкони-

*«Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон қўшилганлиги борасидаги ҳужжатнинг имзоланиши саммит ишининг асосий якуни бўлди. Ана шу ҳужжатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз зиммасига барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ олди.»*

ятларимиз чексиз эканлигини кўрсатади.

Президентимиз мухбирларга берган бир интервьюсида Россиянинг катта бозори борлигига алоҳида урғу бериб ўтганди. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бу бозорда сотишда бизнинг имкониятларимиз катта. Ўзбекистонда етиштирилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг ҳаминша бозори чаққон. Энди уларни ЕврАзЭС доирасида қабул қилинган тартиб-қоидалар асосида сотиш мумкин бўлади. Демак, келгусида деҳқон ва соҳибкорларимиз бу имкониятдан самарали фойдаланадилар.

ахборот воситаларида берилаётган шарҳларда қайта-қайта таъкидлаб ўтилмоқда. Ўша Санкт-Петербург саммитидаёқ Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин шундай деган эди: «Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон қўшилганлиги борасидаги ҳужжатнинг имзоланиши саммит ишининг асосий якуни бўлди. Ана шу ҳужжатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз зиммасига барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ олди». Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бунга жавобан шундай деди: «Мен қабул қилинган қарордан, айниқса, ҳамкасбларимнинг Ўзбекистон Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятига кирганлигига нисбатан билдирган муносабатларидан мамнунман».

Мана салкам бир йилдирки, олти давлатнинг бир мақсад йўлида бирга бўлиши, олти президентнинг ўз зиммаларига елкадошлик масъулиятини олиши, олти халқнинг ҳар қандай хавф-хатарга қарши бирга туриши, олти миллат вакиллариининг тараққиётга эришиш йўлида қўлни-қўлга бериши яхши ниятлар сари дидил қадам бўлди. Энди ўзаро алоқаларда, борди-келдиларда, миграция жараёнларида ва бошқа ҳолатларда шу пайтгача юзага келган ва бундан кейин ҳам юзага келадиган ҳар қандай муаммолар ўз ечимини топади деб умид қилиш учун асос бор.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
сийсий шарҳловчи.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1996 йил 27 декабрдаги буйруғида мураббийликни жорий этиш тартиби, қўлланилиши белгилаб берилган. Мазкур буйруққа кўра ички ишлар идораларига янги қабул қилинган, шунингдек, хизмат соҳасини ўзгартирган ходимларга мураббий бириктирилади. Мураббийлар республика ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари ва Транспорт ИИБ бошлиқларининг буйруқларига кўра тасдиқланади. Жойларда айни пайтда хизматда бўлган ходимлардан ташқари кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, нафақадаги фахрийлар ҳам мураббийлик қилишгапти. Асосан ёш профилактика инспекторларига фахрийлардан бириктириб қўйилган. Улар ёшларга касб

## ПАТРУЛЬ ШАҲАР КЕЗАДИ

Бугунги кунда ички ишлар идораларининг патруль-пост хизмати ислохотлар натижасида замон талабларига жавоб бера оладиган соҳага айланди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги ва тинчлик-осойишталикни таъминлаш уларнинг биринчи галдаги вазифасидир. Қолаверса, мазкур хизмат ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини «иссиқ изи»дан очишда ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу борада айниқса, пойтахт патруль-пост хизмати шахсий таркибига алоҳида масъулият юклатилган. Улар хизматини қандай олиб боришаётгани билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадасига таширф буюрдик. Бригада сардорининг биринчи ўринбосари, полковник И. Дадахонов муддаомизни билгач, 4-батальон фаолияти билан яқиндан танишиб кўришимизни тавсия этди.

Батальонга борганимизда командир, майор Раҳматилла Намозов, штаб бошлиғи, подполковник Абдукарим Мамасодиқов ҳамда биринчи отряд сардори, капитан Даврон Холиқовлар билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикрлашаётган экан.

— Батальонимиз шахсий таркиби зиммасига Сирғали ҳамда Бектемир туманлари ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини қисқа фурсатда очиш вазифаси юклатилган, — деди майор Р. Намозов. — Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Хусусан, ходимларимиз замонавий алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлангани боис белги-ланган ҳудудларда осойишталик таъминланаяпти. Шунингдек, батальон шахсий таркиби «Халқа», «Тун», «Тозалаш-Антитеррор», «Тўсиқ», «Орият», «Ар-сенал» каби фаол иштинмоқда. «Коллавер»

са, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда профилактика инспекторлари, тезкор вакиллар ва ИПХ ходимлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, ходимларимизнинг жиноят очишдаги иштироки йилдан-йилга ортаятти. Қисқаси, ходимларимиз қандай хизмат олиб боришаётгани билан яқиндан танишиб чиқиб, ўзингиз гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Ҳамроҳларимиз — 2-отряд, 1-гурӯх командири, катта лейтенант Хайрулла Абдуқаҳҳоров ва милиционер-ҳайдовчи, сержант Аскарвали Қиличевлар вазифаларини бажаришга йўл олишди.

— Ҳар куни ўзимизга бириктирилган ҳудуднинг тинч-осойишта бўлиши учун айланиб чиқамиз, — дея атрофни кузатиб кетаётган гап бошлади катта лейтенант Х. Абдуқаҳҳоров. — Баъзида шубҳали кишилар, дайди, тиланчилар пайдо бўлиб қолади. Уларни

текшириб кўриб, тегишли чора кўрамиз.

Пойтахтнинг «Аэропорт» ҳудудини кўздан кечириётганимизда сержант А. Қиличев машинани икки кишининг ёнида тўхтади.

— Фарғонадан Муҳаммадҷон Султонов бўламан, — деди улардан бири. — Қариндошимизни кутиб олгани келувдим, — дея фуқаролик паспортини тақдим қилди.

— Ҳаммаси жойида, узр, — деди сержант А. Қиличев ва машинага ўтирди.

Бироз юрганимиздан сўнг ходимлар Яккасарой туманида яшовчи Д. Икромни жамоат жойини инфослантираётгани учун огоҳлантиришди.

«Сирғали-Қўйлик» халқа йўлининг «Қўйлик-6» даҳаси ҳудудида номаълум шахслар белгиланмаган жойда балиқ маҳсулотларини сотишаётгани тўғрисида маълумот олинди. Ҳақиқатан ҳам икки киши «Дамас» русумли машинанинг юкхонасини очиб қўйган ҳолда балиқ «бозори»ни ташкил қилишганди. Уларнинг на шахсини тасдиқловчи, на машинасининг ҳужжатлари бор эди. Катта йўл ёқасида, антисанитария ҳолатда балиқ сотишга ким рухсат берди экан?

— Балиқларни Чиноздан сотиб оламиз, — деди ўзини Янгийўл туманилик Олим Зоитов деб таништирган йигит. — Шеригим Ориф Муродов билан бирга гоҳ-гоҳида шу ерга келиб, савдо қилиб турамыз.

— Уларни бир неча бор огоҳлантирганмиз, лекин ҳамон ўз билганларидан қолишмаяпти, — деди катта лейтенант Х. Абдуқаҳҳоров. — Ваколатимиз доирасида чора кўраёلمиз, аммо «ҳомийлари» уларни қўллаб-қувватлаб туришибди.

Наҳотки, балиқфурушларнинг танобини тортиб қўядиган бирорта идора топилмаса? Лоқайдлик қачонгача давом этаркин?

2-отряд, 3-гурӯх милиционер-ҳайдовчиси, сержант Шухрат Алимов ва



сержант Сирож Ашурметовлар икки кишини Сирғали тумани Абдурахмон Жомий номли маҳалладаги 216-милиция таянч пунктига олиб келишди. Профилактика катта инспектори, капитан Абдуҷамил Фармонов уларнинг шахси ва яшаш манзилни аниқлашга киришди. Фуқаролар самарқандлик Ж. Ўктам ва Ў. Ислом эканлиги, ҳар иккиси ҳам «Қўйлик» деҳқон бозорида савдо қилиши маълум бўлди.

— Паспорт тартиботи қодаларига амал қилмаганликлари учун уларга нисбатан маъмурий баённома тузилди, — деди капитан А. Фармонов.

Сержантлар Ш. Алимов ва С. Ашурметовлар ҳамроҳлигида ҳудудларни айланиб юрганимизда, 2-отряд сардори, капитан Дилшод Иноғомҷонов йўналишлар бўйича хизматни таҳлил қилаётган экан. У ходимларнинг хизмат китобида нималарнидир қайд этди-да, тегишли кўрсатма ва йўриқнома берди.

Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 4-батальони ходимлари билан бирга бўлган пайтимида ҳеч қандай кўнгилсиз, нохуш воқеаларга дуч келмадик. Бундан кўринадики, ҳудудда осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, зиммадаги вазифани адо этишга масъулият билан ёндашилаяпти. Иш тўғри ташкил этилгани, ўз вақтидаги рағбатлантиришлар ходимларни фидойиликка ундамоқда.

Қобилжон ШОКИРОВ.

Акмал ХАЙРУЛЛАЕВ олган суратлар.

Нафиса ички ишлар ходими бўламан, деб сира ўйламаганди. Аммо ҳаётда кўзланган режа ўзгариб кетиши мумкин экан. Андижон тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлаган Н. Алимовага комбинатда ҳамшира бўлиб ишлаш учун йўлланма берилди. Бу ерда бир қанча вақт меҳнат қилгач, Тошкентда яшовчи йигитга турмушга чиқди. Умр йўлдоши билан маслаҳатлашиб, пойтахтдаги ҳарбий қисмлардан бирида йўриқчи вазифасида фаолият кўрсата бошлади. 2005 йилда соғлиги бироз панд бераётган отасининг ёнида бўлиш мақсадида оиласи билан яна Андижонга қайтди.

Маълум вақт ўтгач, Нафиса ички ишлар соҳасида ишлашга аҳд қилди. 2005 йилнинг ноябрида у вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматига кичик инспектор-кинолог этиб тайинланди.

— Очиқ тан олишим лозим, дастлабки пайтлар итлардан жуда қўрқардим, — дейди Нафиса. — Улар

## КАСБИГА МЕҲРИ БАЛАНД

тишлаб олмасмикан, деб чўчиб турардим. Яқинларим ва танишлар билан суҳбатлашиб қолганимда бу касб аёлларга хос эмас, барибир эплотмайсан, дейишарди. Ҳамкасбларимга раҳмат, катта ёрдам беришди. Кинология хизмати бошлиғи, подполковник Исмоилжон Азимжонов (ҳозир нафақада) хузурига чақириб: «Итлардан сира қўрқма, синглим. Улар жуда ақлли жониворлар. Меҳр кўрсатсанг, ўларини шунга яраша тутишади. Бизда «Люда» лақабли ақлли, буйруқни яхши бажарадиган овчарка бор. Уни сента бириктириб қўямиз. Тезда тил топишиб кетасизлар, деб ўйлайман», дегани худди кечагидек ёдимда.

Эртасига Нафиса бир неча бўлак қанд олиб, «Люда» сақланаётган вольерга яқинлашди. Жонивор унга савол аломати билан ғалати қаради. Кинолог:

«Энди мен эгангман. Айтганларимни бажариб, панд бермайсан, деган умиддаман», деб бир бўлак қанд узатди. У ширинликни еб, думини ликиллатди. Нафиса иккиланиб вольерга кирди ва итнинг синаб,



яна бир бўлак қанд берди. Жонивор худди миннатдорчилик билдиргандек қўлини ялади. Шундан сўнг уни етаклаб, сайр майдончасига олиб чиқди. Орадан бир неча кун ўтгач,

«Люда» билан дўстлашиб кетди.

Нафиса янги ишга, ит эса унга кўникиб борарди. Ҳамкасблар ҳам қараб туришмади, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, хизмат сир-асрорларини ўргатишди. Вақт ўтиши билан «Люда» портловчи моддаларни излаб топишга укунли эканлиги кўзга ташланиб қолди. Кундалик машқлар, ўқув машғулотларида ақл-фаросатли ва топшириқларни аъло даражада удалай олишини намоян этди. Шу боис, вилоятда ташкил этилаётган оммавий-маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларидан олдин Н. Алимова хизмат ити билан профилактик тадбирларга жалб этилаяпти. У касби туфайли обрў-эътибор топиб бораётганидан мамнун. Бунини ишга кўпинча эрта келиб, «Люда»ни эркалаши, ширинликлар билан сийлаши ва бирга сайр қилишидан

ҳам билиб олиш қийин эмас.

— Кичик сержант Н. Алимова доимо эркак ҳамкасбларидан қолишмасликка ҳаракат қилади, — деди кинология хизмати бошлиғининг ўринбосари, майор М. Қодиров. — Эътиборли томони, хизмат итларини парваришлаганга оид адабиётларни мустақил ўқиб боради. Менимча у ўзбек аёллари ўртасидаги биринчи кинолог бўлса керак. Ушбу машаққатли, аммо шарафли хизматда унга омад ёр бўлсин.

Бугунги кунда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати ходимлари тўрт оёқли кўмакчилари иштирокида турли жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этишда фаоллик кўрсатишаяпти. Бунга фидойи ходима Н. Алимованинг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилмоқда.

Б. КЛЕЙМАН.

Суратда: инспектор-кинолог, кичик сержант Н. Алимова «Люда» лақабли хизмат ити билан.

Муаллиф олган сурат.

**Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мустақилликка бўлган интилишларимизнинг дастлабки қадами сифатида тарихда қолди. Ўтган давр мобайнида она тилимизнинг софлигини сақлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Таълиқли тилшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тил комиссияси аъзоси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Дадабоев билан бу хусусда суҳбатлашдик.**

зум пайтида ноҳақ камситиш, чеклашниларга учраб, шовинистик мафкура зугумига дучор бўлди. Ўзбек тилида фикрини ифодаламоқчи бўлганлар маданиятсизлик ва саводсизликда айбланди. Фақат мустақиллик туфайлигина ўзбек тили қаддини яна ростлаб, мафтункор



— Таълим тизимида, айниқса, ўрта таълимда она тилига ажратилган дарс соатларининг миқдори муҳим бўлса-да, лекин у ҳал қилувчи мезон ҳисобланмайди. Менимча, асосий диққат эътиборни тил бойликларида кундалиқ турмуш тарзида амалий фойдалана билиш

демиздан тезроқ воз кечиш талаб қилинади.  
— **Хорижда ҳам ўзбек тилини ўрганишга иштиёқмандлар борми?**  
— Мустақиллик шарофати билан тилимизнинг бой ва турфа тарихига, шунингдек, бугунги кундаги ҳолатига бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Аждодаларимиз томонидан қолдирилган бебаҳо тарихий, маданий, адабий меросдан яқиндан ҳабардор бўлиш, уларнинг умминсоният тараққиётига қўшган салмоқли улушидан баҳра олишга интилаётган чет элликлар сони ошиб бормоқда. Навоий, Бобур, Ғафур Гулом, Нодира, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби шоирлар, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари ёзувчилар асарларида бетакрорлиги, жозибдорлигино гўзаллиги намоеън бўлган ўзбек тилини ўрганиш, сўзлашиш, унга хос жиҳатлар билан яқиндан ошно бўлишга интилиш кучаймоқда.

— **Муҳтарам домла, муштарийларга тилимиз тарихи ҳақида қисқача маълумот берсангиз.**

— Тил жамият вакиллари ўртасида асосий мулоқот курали бўлиши билан бирга халқнинг табиати ва характери, анъанаси, удумлари, қолаверса, ҳаётий тажрибаси ва билим даражасини намоеън этувчи кўзгу ҳисобланади.

Ўзбек адабий тили мураккаб тараққиёт босқичларини босиб ўтган, фонетик-фонологик, морфологик, лексик-семантик ва синтактик сатҳлари нуқтаи назаридан дунёдаги энг ривожланган тиллар сирасидан ўрин олган. Қадимдан ўз ёзуви, “Кутадғу билиг”, “Девону лугатиг-турк”, “Қиссаси Рабғузий”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Хазойинул-маоний”, “Хамса”, “Бобурнома”, “Шажарайи турк”, “Ўткан кунлар” сингари бадиий-адабий, тарихий-илмий асарлари, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ёзувчилару шоирларига эга бўлган ўзбек адабий тили тахминан бир ярим минг йиллик тарихий тараққиётни босиб ўтди. Жамиятда, ижтимоий ҳаётда юз берган турфа ҳодисалар

таъсирида бўлишига қарамасдан, ўз табиати, миллий руҳи ва барқарорлигини сақлаб қолишга, ўзбек миллатини бирлаштиришга, жипслашти-

# ТИЛИМИЗ СОФЛИГИ УЧУН

ришга муваффақ бўлди.  
Ўзбек адабий тили тизимига хос фонетик, морфологик, лексик ва семантик жиҳатлар дастлаб маълум даражада VII-X асрларга оид қадимги туркий тил манбаларида ўз ифодасини топган бўлса, XI-XII асрлар, яъни қорахонийлар даври ўзбек тилининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Темурийлар даври эски ўзбек адабий тили нафақат араб ва форс-тожик тиллари даражасига кўтарилди, балки Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Кавказорти, Кичик Осиё қардош туркий тиллари ривожига ижобий таъсир кўрсатди.  
Она тилимиз тоталитар ту-

жозибаси ва жилоси билан миллатга руҳ, куч-қудрат, ишонч бағишлади. Ўз тараққиёт йўлига қайта тушиб олган она тилининг табиатига мос мезонларни яратиш, унутилган бойликларини янгидан тиклаш, софлигини таъминлаш, истиқболни белгилаш каби устувор жиҳатларга Президентимиз И.А.Каримов нутқларида, “Давлат тили ҳақида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунларда ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да алоҳида эътибор берилди.  
— **Мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида ўзбек тили фанига ажратилган дарс соатларини етарли деб ўйлайсизми?**

имкониятларини кенг очишда қўл келадиган билимлар билан ўқувчиларни қуроллантиришимиз, уларда мустақил фикрлаш, ижод қилиш, оғзаки, ёзма нутқни раван ифодалаш кўникмаларини шакллантиришимиз лозим. Шунингдек, уларнинг сўз хазинасини муттасил ошириб боришимиз, лексемалардан ўринли ва тўғри фойдаланишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур бўлади. Айни пайтда ўзбек тилини ўрганиш имкониятларини чеклаб қўйувчи, унга бўлган қизиқишни маълум даражада сўндирувчи, нашр қилинаётган айрим дарслик ва қўлланмаларда ҳамон учраётган грамматизм ва ака-

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар тайёрлаш масаласига Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина қатори бошқа ривожланган давлатларда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, АҚШнинг Индиана, Вашингтон, Калифорния, Нью-Йорк, Мичиган каби ўн бир университетда, Жанубий Кореядаги Пусан чет тиллари университетида, Туркиянинг Анқара ҳамда Берлиндаги В.Гумбольдт номли университетда ўзбек тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Бу йилдан бошлаб Пекиндаги Марказий миллатлар университетида ҳам ўзбек тили ўқитилаёпти.  
*(Давоми кейинги сонда)*  
Суҳбатдош  
Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

ЛУҚМА

## САВОДСИЗЛИКМИ ЁКИ ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Давр шиддат билан илдамламоқда. Ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих китобига муҳрланиб бораётир. Жамиятнинг ҳар бир жабҳасида, шу жумладан одамларнинг онги ва шуурида ҳам улкан ўзгаришлар бўлаяпти. Уларнинг атрофдаги воқеликлари туб моҳиятини англаш ва тафаккурини юксалтиришда ижод аҳли, яъни биз журналистларнинг ўрнимиз бўлақча. Инсонларга зиё улашиш, ўзининг сўз санъаткорлиги билан миллионлаб кўнгилларга қувонч ва муаззам ҳордиқ ато этиш қалам аҳлининг вазифаси эканлигини ҳамма яхши билади.  
Эсимда, талабалик йилларида домламиз: «Журналист — доим ҳар бир воқеликлдан олдинда юриши, ҳаёт деб аталмиш қозонда обдон қайнаши, ўзининг теран фикрлари, тили ва нутқидаги мусаффолик билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим», дея таъкидлаган эди. Лекин яқинда бир тadbирда икки нафар ёш журналист қизларнинг ўзаро суҳбатини эшитиб хафсалам пир бўлди. Нега дейсизми!...  
— Вой, Нази (исми Назира бўлса керак), кеча ман вообщем унинг гапидан қотиб қолдим. А так, у ёмон эмас. Представлалаш, унинг гапларини копейкага ҳам олмадим, — дейди улардан бири.  
— Короче говоря, сани ўрнингда бўлсам, я тоже так поступила бы, — деди иккинчиси.  
Қизларга зимдан назар ташладим. Афти-

дан ўзбек миллатига мансуб кўринади. Секин уларнинг олдига бориб, савол ташладим:  
— Кечирасизлар, қизлар, журналистмисиз, ўзбекмисизлар?...  
Кетма-кет берган саволимга ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб кўйишди.



— Ҳа, нимаиди.  
— Маъзур тутасизлар, ўзбек тилига рус тилини қориштириб, сўзлашув маданиятини бузиб гаплашаётганингиз мени ажаблантиряпти. Ижодкорлар бошқаларга сўз бойлиги билан ўзбек адабий тилининг бетакрор ибораларини қўллаган ҳолда жамоатчиликка маданий ва маънавий озуқа бериши керак эмасми?  
— Какой кошмар, — дея улардан бирининг авзойи бузилди. — Сиз кимсизки, бизни тергов қиласиз. Между прочем, қанақа қилиб гаплашиш это мое дело.  
Бир қарашда бировга ақл ўргатишга ҳеч

кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо она тилимизга бошқа тилларни аралаштириш унга ҳурматсизликнинг белгисидир.  
Кейинги пайтларда реклама «болалай» бошлади. Телевидение, радио ва матбуотни рекламасиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Бу яхши. Чунки реклама орқали маҳсулот сотилади ва рақобатбардош бўла бошлайди. Лекин рекламаларнинг берилишида ўзбек тилининг меъёрий қоидаларини бузиш ачинарли ҳолдир.  
Ранг-баранг қилиб ишланган плакатлар шаҳар хуснига ўзгача чирой қўшиб турибди. Аммо уларнинг айримларидаги ёзувларни ўқиган кишида ички нафрат жўш уради. Бежирим, ялтироқ қутилларда қадокланган чой ва шунга ўхшаш истеъ-

мол маҳсулотларини айтмайсизми. Улардаги маҳсулотни ишлатиш қоидаларида лотин ёзуви асосланган янги ўзбек алифбосини бузиб ёзилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?  
Келинг, узоққа бормайлик, ўзимиз доимий яшайдиган маҳаллаларда фуқаролар йиғини биносига кираверишда фалон «maxalla» ёки «sartaposhhona», «dofihona», каби ёзувларга кўзимиз тушадди. Ваҳоланки, бунда h ва x ҳарфлари нотўғри қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Дўкон ва бозор пештахталаридаги ёзувларни айтмаса ҳам бўлади.  
Ҳа, гапираман десак гап кўп. Дилимизнинг оғриқ нуқталаридан отилиб чиқаверади. Лекин барча айб ўзимизда эканлигини ҳар қачон ҳам тан олавермаймиз. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз «Тилга эътибор — элга эътибор» деб бежиз айтмаганлар. Она тилимизнинг софлигини сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундай экан унга бефарқ бўлмайлик.  
Азизжон ФАЙЗИЕВ.



**— Короче говоря, сани ўрнингда бўлсам, я тоже так поступила бы, — деди иккинчиси.**



# POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

23 октябрь – 29 октябрь

ТВЗ,  
душанба  
0.00

## «ГУВОҲ» («СВИДЕТЕЛЬ»)



Мохир изкувар бўлган фильм қахрамони Жоанна исмли кўплаб қотилликларда гумон қилинаётган бир аёлнинг изига тушади. Аммо изкувар унинг суратига қараганида марҳум қизининг шарпасини кўриб қолади. Шунда ўзининг тақдири бу мафтункор, айна пайтда хавфли, маккора аёл билан боғлиқлигини юракдан ҳис этади. Ўртада мураккаб «ўйин» бошланади.

Ролларда: Юэн МакГрегор,  
Эшли Жадд,  
Женевьева Бюжо.



«Россия», пайшанба  
23.50 «ШМИДТ ҲАҚИДА» («О ШМИДТЕ»)

Суғурта компанияси ходими Уоррен Шмидт пенсияга чиққач, ўзини кераксиздек ҳис қила бошлайди. 42 йил бир ёстикқа бош қўйган хотини қариган чоғида бесабабдан-бесабаб асабига тега бошлайди. Яккаю ягона қизи эса ўзига мос бўлмаган йигитга турмушга чиқмоқчи. Кутилмаганда хотини оламдан ўтади. Шундан сўнг Шмидтга умри бекорга ўтгандек, ҳеч бир фойдали иш қилмагандек туюлади.

Ролларда: Жек Николсон, Хоуп Дэвис, Дермот Малруни, Кэти Бэйтс.

НТВ, жума  
22.00 «ЧЕГАРАДАН ТАШҚАРИДА» («ЗА ГРАНЬЮ»)

Америкалик Сара Жордан турмушга чиққач, Лондонга кўчиб келади. Бу ерда доктор Ник Кэллахэн билан танишади. Ник Африкадаги уйсизларга ёрдам бериш иш-тиёқи билан ёнади. Сара ҳам унга қўшилиб, катта миқдордаги маблағни қўлга киритиб, Ҳабашистоннинг эпидемия тарқалган туманига йўл олади.

Ролларда: Анжелина Жоли, Клайв Оуэн, Тери Поло.



«Биринчи» канал, якшанба  
20.45 «ДЕНГИЗЛАР ҲУКМДОРИ. ДУНЁНИНГ БИР ЧЕККАСИДА» («ХОЗЯИН МОРЕЙ. НА КРАЮ ЗЕМЛИ»)

XIX аср боши. «Сюрприз» номли елканли ҳарбий кема капитани Жек Обрига Атлантика океанида французларнинг «Аршерон» номли қароқчилар кемасини қўлга олиш борасида топшириқ берилади. Қароқчилар кемаси ҳам қуролланиш, ҳам тез ҳаракатланиш бобида ҳарбий кемадан устунликка эга. Биринчи тўқнашувдаёқ «Сюрприз»га жиддий шикаст этади. Аммо буйруқни бажариш керак. Шунинг учун Обри душманни то ғалабага эришгунча таъқиб этишга қарор қилади.

Ролларда: Расселл Кроу, Пол Беттани, Билли Бойд, Жеймс Д'Арси.



**«Ўзбекистон» телеканалли**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.45 ТВ-анонс.  
8.50 Олтин мерос.  
9.05 «Мирзо Улугбек». Телеспектакль. 1-қисм.  
10.05 «Минг бир ривоят».  
10.10 ТВ-анонс.  
10.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кўхна Насаф». «O'zbektelefilm».  
10.35 «Одами эрсанг...»  
10.55 «Дунё иқлими».  
11.00 «Ахборот».  
11.10 ТВ-анонс.  
11.15 «Дил таронаси».  
11.25 Э. Хушвақтов. «Қаллиқ ўйин». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.  
12.50 Олтин мерос.  
13.00 «Қаллиқ ўйин». Спектакль. 2-қисм.  
13.55 «Дунё иқлими».  
14.00 «Ахборот».  
14.15 ТВ-анонс.  
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.  
15.20 «Ватанпарвар».  
16.20 «Қишлоқ ҳаёти». «Болалар сайёраси»;  
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Умр дафтари». 1-қисм.  
17.30 «Минг бир ривоят».  
17.35 «Рамазон тухфаси».  
17.55 Олтин мерос.  
18.05 «Умр дафтари». 2-қисм.  
18.25 «Сени излаб». Бадий фильм.  
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.  
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».  
19.20 «Дунё иқлими».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 ТВ-анонс.  
20.05 «ТВ-шифокор».  
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси (Туркия)  
20.50 «Дунё иқлими».  
21.00 «Ахборот».  
21.35 ТВ-анонс.  
21.40 «Муқаддас қадамжолар».  
22.05 «Сарой жавоҳири». Телесериал (Корея)  
23.15 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.25 «Олам ва одам» дастури: «Дельфинлар билан рақс».  
23.50-23.55 Тунги наволар.

**«Ёшлар»****телеканалли**

15.55 Дастур очилиши.  
16.00 Давр.  
16.15 Интерфутбол.  
17.50 Эрта сўнган юлдузлар.  
18.10 UzEX.  
18.20 Ракурс.  
18.35 Дилрабо.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 ДАВР.  
19.30 Наво-SMS.  
19.40 «Шимол тафти». Сериал.  
20.10 Спорт-лото.  
20.15 UzEX.  
20.20 Қарши шахрининг

2700 йиллигига: «ЛАНГАР».  
20.50 Омон бўлинг!  
21.10 «МУҲАББАТ ДАРДЛАРИ». Сериал премьераси (Туркия)  
22.00 ДАВР.  
22.30 «YOSHLAR»ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.  
0.00 - 0.05 Орзу бекати.

**«Тошкент»****телеканалли**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 Мультфильм. «Пока-хонтас».  
18.10 «Телекуррьер-маркет».  
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.45 «Анонс».  
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.  
19.30 «Муסיқа SMS».  
19.50 2006-йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломат бўлинг» (рус).  
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)  
20.15 «Анонс».  
20.20 «Эрудит» (рус)  
20.35 Хайвонот дунёси. «Китлар». 1 - қисм. (рус).  
21.00 «Интервью» (рус)  
21.10 «Жозиба».  
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
21.45 «Анонс».  
21.50 «Телекуррьер-маркет».  
22.10 «Аёл қалби».  
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)  
22.45 «Анонс».  
22.55 Кино: «Бунга нима дейсиз?» Премьера. 1-қисм (Ҳиндистон).  
0.15 -0.20.Хайрли тун, шаҳрим».

**«Sport»****телеканалли**

7.00 «Бардам бўлинг».  
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.  
8.30 «Болалар спорти».  
8.50 Мультфильм.  
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.  
9.30 «Табиатшунос саёҳати».  
10.00 Детективлар.  
10.30-11.35 «Юзта қувонч». Болалар учун фильм.  
18.10 Мульттўплам.  
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)  
18.50 «Ким нимага қодир?»  
19.15 «Мени кутгил».  
20.00 «Вести».  
20.20 «Тет-а-тет».  
20.30 «Криминал». Сериал.  
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)  
21.50 «Футбол шарҳи».  
22.10 «Проф-РИНГ».  
23.10 «Ёруғлик». Бадий фильм.  
0.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

Профилактика до 16.55  
17.00 «Телеэкспромт»  
17.30, 20.00, 22.00 «Муסיкий табассум»  
18.00 «Болалар соати»  
18.20 «Муқаддас ой»  
18.25 «Тараққиёт-ТВ»  
18.40 «Севги наволари»  
19.00 «Ошиқона»  
19.40, 21.45 «Телехамкор»  
21.00 «Занжир» фильм  
22.30 «Ишонч-ТВ»  
22.35 «Оқшом кушиқлари»  
22.50 «Махфий хужжатлар»

**«Первый»**

4.00 «Доброе утро»  
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости  
8.05 «Малахов+»  
9.05, 19.00 «Сестры по крови» Фильм  
10.00 «Поле чудес»  
11.30 «Без комплексов»  
12.25 «Детективы»  
13.25 «Контрольная закупка»  
14.15 Криминальная Россия  
14.50 «Любовь как любовь» Фильм  
15.55 «Федеральный судья»  
17.20 «Жди меня»  
18.05 «Пять минут до метро» Фильм  
20.00 Время  
20.30 «Звезда эпохи» Фильм  
21.25 «Преступления иностранцев в России»  
22.45 Теория невероятности.  
23.35 Гении и злодеи.  
0.10 Триллер «Лучший способ умереть»  
2.00 Время  
2.30 Фильм «Перл Харбор: Последствия нападения»  
3.20 «Подводный мир Андрея Макаревича»

**«Россия»**

4.00 «Доброе утро, Россия!»  
7.50 «В поисках рая. Индийские робинзоны».  
8.45, 10.00, 12.45, 16.00, 18.40, 23.15, 3.45 ВЕСТИ  
9.00 «Аншлаг и Компания».  
10.50 Праздник Ураза-Байрам.  
11.45 «Частная жизнь»  
13.40 Боевик «Бой с тенью»  
16.40 «Обреченная стать звездой» Сериал  
17.40 «Волчица» Сериал  
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»  
20.15 Сериал «Тайны следствия».  
22.15 «Городок»  
23.35 «Честный детектив»  
0.05 «Синемания»  
0.40 «Дорожный патруль»  
0.50 Фильм «Черный шар»  
2.25 «Евроныс»

**НТВ**

5.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
8.00 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 «СЕГОДНЯ»  
9.20, 14.30, 17.35, 20.45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
9.55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»  
10.55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»  
12.25 Комедия «УБЕЙ МЕНЯ! НУ, ПОЖАЛУЙСТА»  
15.35 Сериал «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА»  
18.40 Сериал «АВТОНОМКА»  
19.45 Сериал «СИНДИКАТ»  
21.45 Сериал «ГОСПОДА ОФИЦЕРЫ»  
**«Ўзбекистон» телеканалли**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.40 Олтин мерос.  
«Болалар сайёраси»  
8.50 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобака.  
9.30 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик сирлари».  
9.50 «Меҳр кўзда».  
10.35 «Оила ришталари». Телесериал.  
11.10 «Янги оҳанглар». Озодбек Назарбеков.  
11.40 «Ишдаги ишқ». Бадийий фильм. 1-қисм.  
13.05 «Дил таронаси».  
13.15 «Ишдаги ишқ». Бадийий фильм. 2-қисм.  
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.  
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.  
16.10 Ватан ҳақида кўшиқлар.  
«Болалар сайёраси»;  
16.15 «Олтин тож». Телеўйин.  
16.55 «Жиддий ўйин».  
17.55 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.  
18.25 «Оҳанглар оғушида».  
18.35 «Интеллектуал ринг».  
19.20 «Дунё иқлими».  
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)  
20.05 «50x50». Ток-шоу.  
20.50 «Дунё иқлими».  
21.00 «Таҳлилнома».  
21.50 «Кўхна оҳанглар».  
22.15 «Ўткинчи дунё». Бадийий фильм. 2-қисм (Ҳиндистон)  
23.35-23.40 Тунги наволар.

**«Ёшлар» телеканалли**

5.55 Дастур очилиши.  
6.00 Шарқ оҳанглари.  
7.10 Бу шундай бўлган эди.  
7.30 Оҳанрабо.  
8.10 Телепортрет.  
8.30 «Ёлғон асираси». Сериал.  
10.00 ВАТАНПАРВАР.  
11.00 Journal.  
11.20 Якшанба нонушта-си.  
11.50 Дунё бўйлаб.  
12.10 «Кўнги́л куйлар». Равшан Комилов.  
12.40 «Ханда» меҳмони.  
13.00 «Моя мечта». Дунё таомлари.  
13.30 Нафосат олами.  
13.40 Рўзгор мактаби.  
14.00 Миллий кино: «Келгинди куёв».  
15.45 Килни кирк ёриб.  
16.30 Ринг қироллари.  
17.20 Чемпион сирлари.  
17.40 Талабалар шаҳарчаси.  
18.00 «Бобур». Телесериал.  
19.00 Давр ҳафта ичида.  
19.50 Дийдор.  
20.10 Кулгутерапия.  
20.30 «Орзулар майдони».  
21.00 Садолар сеҳри». Аваз Олимов  
21.30 CINEMANIYA.

22.10 Миллий кино: «Севги фазоси».  
23.45 – 23.50 Орзу бека-ти.

**«Тошкент» телеканалли**

7.25 Кўрсатувлар тартиби.  
7.30 Салом, Тошкент!» Кўнги́лочар информа-цион мусиқий дастур.  
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.  
9.15 «Телекуръер-маркет».  
9.30 «ИИВ хабарлари».  
9.50 «Интервью».  
10.00 «Афиша».  
10.10 «Истеъдод».  
10.30 «Маугли». Мультфильм.  
12.10 Кино: «Кичкина табиб».  
13.40 «Мусика SMS».  
14.00 «Камин олдида сухбат» (рус).  
14.30 Кино: «Зорро нико-би» (рус).  
16.45 «Анонс».  
16.50 «Эрудит» (рус).  
17.05 «Телекуръер-маркет».  
17.25 «Жозиба».  
17.45 Кино: «Яратганга шукр».  
19.25 «Анонс».  
19.30 «Санъат гулшани».  
19.50 «Телекуръер - маркет».  
20.10 «Дилкаш наволар»: Азим Муллахонов.  
20.35 «Мулоҳаза учун мавзу».  
21.05 «Нима учун?»  
21.40 «Эрудит». (рус).  
21.55 «Ўзбекистон – туризм мамлақати». (рус).  
22.35 Якшанба кинозали: «Шоколад» (рус).  
0.25 - 0.30 «Хайрли тун, шахрим».

**«Sport» телеканалли**

7.30 «Хабарлар».  
7.50 «Бардам бўлинг».  
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.20 «Йўлда ёзилмаган кайдлар».  
9.35 «Ҳамма уйдалигида».  
10.30 «Аралаш».  
11.00 «Кувноқ стартлар».  
11.40 «Файзли ошхона».  
12.05 «Рақибингиз гроссмейстер».  
12.25 «Проф-РИНГ».  
13.15 «Табассум».  
13.25. Дорихона эшитади».  
14.10-15.10 Хунан цирки.  
18.00 «Умид юлдузлари».  
18.15 Мультфильм.  
18.30 «Версия». Информа-цион-таҳлилий кўрсатув.  
19.00 «Спорт уик-энд».  
19.40 «Тайм-аут».  
20.00 «Вести».  
20.20 «Лицедейни ўлдир-иш». Бадийий фильм.  
21.30 «Талкин». Информа-цион-таҳлилий кўрсатув.  
22.00 «Тенгдош».  
22.20 «Юлдузлар муз устида».  
0.10 Еврофутбол.  
1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

9.05, 10.30, 16.45, 19.00 «Телехамкор»  
9.20, 17.00 «Док. фильм»  
10.10 «Мультфильми»  
10.45 Худ. фильм «Любовь по правилам... и без»  
12.45, 17.30, 20.30, 21.40 «Мусикий табассум»  
13.00 «Теле-экспромт»  
13.20 «Хит парад плюс»  
14.20 «Шоу-бизнес янгиликлари»  
14.50 «Болалар соати»  
15.20 «Аёллар орзуси»  
15.50 «До-Ми-Соль шоу»  
18.00 «Худуд»  
18.20 «Юрак торлари»  
18.30 «Сўғдиёна»  
19.20 «Ошиқона»  
20.00 «30-й кадр»  
21.00 «Якшанба окшомида»  
22.10 «Кузларини манкс»

**«Первый»**

5.00, 9.00, 11.00 Новости  
5.10 «Звезды эфира»  
5.35 Фильм «Не было печали»  
6.50 «Знахари» Док. фильм  
7.35 «Армейский магазин»  
8.10 «Умницы и умники»  
9.20 «Непутевые заметки»  
9.35 «Пока все дома»  
10.30 Воскресный «Ералаш»  
11.10 «КВН-2006»  
12.50 «Неуловимые». 40 лет спустя» Юбилейный вечер  
15.00 Футбол. Чемпионат России. «Динамо» - «Локомотив»  
17.00 «Времена»  
18.00 «Две звезды»  
20.00 «Время»  
20.45 Фильм «Хозяин моря. На краю земли»  
23.05 «Секс-символы» Док. сериал  
0.00 Сериал «Мертвая зона»  
0.50 Фильм «Слуга»  
3.15 «Здоровье»

**«Россия»**

4.50 Детектив «Возвращение Святого Луки»  
6.30 «Здоровье»  
7.00, 10.00, 13.00, 19.00 ВЕСТИ.  
7.20 «Сельский час».  
7.50 «Диалоги о животных».  
8.20 Фильм «Конец императора тайги»  
10.20 «Городок»  
10.50 «Сам себе режиссер»  
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».  
12.15 «Парламентский час»  
13.20 «Фитиль № 106»  
14.05 Фильм «Никогда не разговаривайте с неизвестными»  
15.40 «Форт Боярд»  
17.20 «Танцы со звездами»  
20.00 «Специальный корреспондент».  
20.25 Фильм «Самая красивая»  
22.50 Боевик «Мерцающий»  
0.40 Фильм «Поезд смерти»  
2.35 Сериал «Взгляды»  
3.10 «Евроныйс»

**НТВ**

4.40 Фильм «ВОРОШИЛОВСКИЙ СТРЕЛОК»  
6.20 Мультфильмы.  
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «СЕГОДНЯ»  
7.15 «ДИКИЙ МИР»  
7.45 «ИХ НРАВЫ»  
8.25 «ЕДИМ ДОМА!»  
9.20 «TOP GEAR»

9.55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»  
10.45 «ШНУР ВОКРУГ СВЕТА»  
11.20 «АВИАТОРЫ»  
12.25 «СТИХИЯ»  
13.00 «МОСКВА - ЯЛТА - ТРАНЗИТ»  
15.25 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»  
16.00 «СВОЯ ИГРА»  
16.55 Сериал «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА»  
18.50 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»  
19.20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
20.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ ЖЕНЫ: ЕКАТЕРИНА КАЛИНИНА. РАБОЧАЯ ИЗ ВЫСШЕГО СВЕТА»  
21.00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ»  
22.15 Детектив «МИЗЕРИ»  
0.25 Детектив «МАЛХОЛЛАНД ДРАЙВ»  
2.55 Фильм «СТЫЧКА В НОЧИ»  
4.40 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР

**ТВ 3**

7.00, 8.00 Мультфильмы.  
7.30 Жизнь, полная радости.  
10.00 Худ. фильм «Д'АРТАНЬЯН И ТРИ МУШКЕТЕРА»  
15.30 Курьер  
16.00 Худ. фильм «ИМПЕРАТОР И УБИЙЦА»  
19.00 Киномания.  
20.00 Худ. фильм «КОРОНА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ, ИЛИ СНОВА НЕУЛОВИМЫЕ»  
22.00 Х/ф «ВСПЛЕСК»  
0.00 Сериал «ЧИСЛА»  
1.00 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО»  
2.00 Х/ф «НАСЛЕДИЕ ЗЛА»  
4.00 Худ. фильм «ВЫЗОВ»  
5.30 Релакс.

**ДТВ**

8.00, 5.15 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»  
8.55 Для милых дам.  
9.25 Мультфильмы.  
11.20 Худ. фильм «НЕПОБЕДИМЫЙ БРЮС ЛИ».  
13.25, 4.30 «Как уходили ку-миры»  
14.30 Шокирующая документалистика  
15.25 «Время - деньги»  
15.50 Худ. фильм «ОПУС-ТОШАЮЩИЙ».  
17.55 Смешное видео.  
18.30 «Этот безумный мир».  
18.55 Шоу российских рекордов.  
19.55 «Фабрика смеха»  
20.55 Худ. фильм «ЗАТЕРЯННЫЕ В АНТАРКТИДЕ»  
23.00 Сериал «С.С.I МЕС-ТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС»  
1.00 Шоу рекордов Гиннеса.  
2.00 «Девушки в бикини»  
2.30 Худ. фильм «ОСТРОВ»  
6.05 «Время - деньги».  
6.25 Музыка

**ТНТ**

6.00 «Неизвестная планета»  
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ» Теленовелла  
7.10 Мультфильмы.  
8.30 «Деревня дураков»  
9.00 «Американские вампиры» Док. фильм.  
10.00 «ЖИВЕТ ТАКОЙ ПАРЕНЬ» Комедия  
12.05 Деньги на проводе.

12.30, 18.00 Такси.  
13.00 «Алло, гараж!»  
14.00 «Голые стены»  
15.00, 22.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ» Комедия.  
16.00, 20.00, 22.30 «Дом-2»  
17.00 «Школа ремонта»  
18.30 «Москва: инструкция по применению»  
19.00 «Кандидат» с Владимиром Потаниным»  
21.00 Комеди Клуб.  
23.00 «Секс»  
23.35, 2.55 «Ночные игры»  
0.00 Наши песни.  
0.30 «СЕМЕЙКА АДАМС» Сериал  
1.00 «ЖИВЕТ ТАКОЙ ПАРЕНЬ» Комедия


**СТС**

7.00 «ПИРАТЫ ЮЖНЫХ МОРЕЙ» Худ. фильм.  
8.55, 10.30 Мультфильмы.  
10.00 Улица Сезам.  
11.15 Кино «ТРУДНЫЙ РЕБЕНОК-2».  
13.00 «Жизнь прекрасна»  
15.00 «Снимите это немедленно»  
16.00 Фильм «Тайны тела»: «Болезни от любви»  
17.00 «Истории в деталях»  
17.30 «КАДЕТСТВО» Фильм  
22.00 Кино «БРАТСТВО ВОЛКА».  
0.45 «Слава богу, ты пришел!»  
2.00 Кино «ТОТ, КТО МЕНЯ БЕРЕЖЕТ».  
3.50 Кино «ФОРМУЛА ЭДЕМА».  
5.30 «ДЕЙСТВУЙ, КРОШКА» Фильм

**7 ТВ**

6.00, 13.30 Звезда авто-страды.  
6.10 «Советский спорт»  
6.30 Мир свободного спорта.  
7.00, 8.00 Веселые стар-ты.  
8.30 Мультсериал.  
9.00 «РИНГ» Худ. фильм.  
10.30 Бега и скачки.  
11.00, 14.00 Большой го-ночный уик-энд: Volkswagen Polo, BMW, Porsche Carrera, Renault 2.0, F-3, Renault 3,5, DTM, Renault Megane. Прямая трансляция из Германии и Испании.  
12.10, 19.10 AutoFashion.  
12.30 Rally Action.  
13.40, 18.10 Гонки RTCC.  
15.30, 23.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.  
18.30 Автоспорт России. Суперсерия: Ф-1600, формула «Русь», Honda Civic.  
19.30 Ferrari Racing Magazine.  
20.00 «Sports Watch». Тележурнал.  
20.30 «Gillette World Sport». Тележурнал.  
21.00 Гольф сегодня.  
21.30 Гольф. Европейская неделя.  
22.00 Обзор мирового футбола.  
23.00 Total регби.  
0.00 Американский супер-байк. Обзор сезона.  
1.00 Только не это!  
1.10 Покер.  
2.00 Картинг.  
2.10 Смертельные искусства.  
3.00 Снукер. Премьер-лига.  
5.00 Ле-Ман: историческая гонка.

Шу йилнинг ёз ойларидан бошлаб Шри-Ланкада мамлакат қуроли кучлари билан айирмачилар ўртасида қуроли тўқнашувлар давом этаётган эди. Улар 1983 йилдан бери мамлакатнинг шимолий қисмида мустақил Тамил давлатини барпо қилиш учун кураш олиб боришмоқда.



## ЯНА БИР ҚЎПОРУВЧИЛИК

Маълумки, Шри-Ланканинг асосий аҳолиси сингаллардан иборат. Ўтган йиллар мобайнида ушбу можаро оқибатида 70 мингдан ортиқ тинч аҳоли қурбон бўлиб, минглаб одамлар уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Яқинда мазкур давлатда яна бир мудҳиш қўпоровчилик амалга оширилди. Хабаран шаҳрида юкхонасига портловчи моддалар ортилган машина катта тезликда ҳарбий



денгизчилар бораётган автобуслар колоннасига келиб урилди. Кучли портлаш натижасида 90 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлди, 60 нафари олган жароҳати туфайли касалхоналарга ётқизилди. Тарқатилган хабарларга кўра, ушбу қўпоровчиликда айирмачиларнинг қўли бор, дея тахмин қилинмоқда.

2002 халқаро воситачилар кўмагида йилнинг февралда ҳар икки томон ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимга имзо чекишган эди. Айирмачиларнинг айби билан бу битимга риоя қилинмаётганиги сабабли мамлакат аҳолиси қуроли тўқнашувлар ва қўпоровчиликлардан азият чекмоқда.

## ЖАЗО ЧОРАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ


«Эхо Москвы» канали тарқатган хабарга кўра, Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Иванов автомобилни маст ҳолда бошқараётган ҳайдовчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо чорасини кучайтириш керак, деган баёнот билан чиққан. «Бундай ҳолатда автомобилни бошқарган ҳайдовчи ҳеч кимга зиён етказмаган бўлсада, барибир қамоқ жазосига ҳукм қилиниши керак. Яқин йилларда бундай қоидабузарларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораси кучайтирилмас экан, бахтсиз ҳодисалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши мумкин», — дея қўшимча қилди Россия Федерацияси мудофаа вазири.



## АШЁВИЙ ДАЛИЛ БИЛАН УШЛАНДИ

«Новости» агентлигининг хабар қилишича, Россия Федерациясида наркотик ва наркотрафик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш кучайтирилган. Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини сотиш, сақлаш, қўшни давлатлар ҳудудларига олиб ўтишга уринишлар ҳам фож этилмоқда.

Яқинда Санкт-Петербург шаҳрида Федерал хавфсизлик хизмати ходимларида 24 ёшли, лўли миллатига мансуб кимса ўз хатти-ҳаракатлари билан шубҳа уйғотди. Кузатувлар натижасида у бир килограмм гашиш гиёҳвандлик моддасини 300 минг рублга сотмоқчи бўлганида қўлга олинди. Ушбу ҳолат бўйича тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.



Ингушетияда Россия Федерацияси хавфсизлик хизмати ходимлари ўтказган махсус операция пайтида Чеченистонда ўта оғир жиноятлар содир этган, «Умар» лақабини олган Ҳасан Костоев йўқ қилинди. У қўлга олиш пайтида қуроли қаршилик кўрсатган.

Хабарларда айтилишича, бу жангари 2006 йил 6 сентябрда Россия Қуроли кучларига қарашли бронетранспортерни портлатишда иштирок этган. Воқеа жойида ва унинг уйдан кўплаб қурол-яроғ, ўқ-дори, кўчма ра-

## НОМЗОД ОТИБ ЎЛДИРИЛДИ

«Единая Россия» партияси аъзоси, Дальнегорск шаҳари мэрига Дмитрий Фотьянов буюртмали қотиллик қурбони бўлди. У шаҳарнинг марказий

кўчаларидан бирида жамоатчилик қабулдан чиқаётганида отиб ўлдирилди. Премория ўлкаси ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати вакилининг айтишича, нозмалум шахс «калашников» автоматидан Фотьяновга қарата қатора-сига бир неча бор ўқ узган. Шундан сўнг шаҳар мэрига номзод оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. У олган жароҳати туфайли ўзига келмай вафот этади. Воқеа жойига етиб келган Россия Федерацияси Хавфсизлик хизмати ҳамда прокуратураси ходимлари қотиллик тафеилотлари бўйича тергов-суриштирув ишларини олиб боришяпти. Бу ишга ҳуқуқ-тартибот идоралари-

нинг энг тажрибали мутахассислари жалб этилди. Жиноятни «иссиғида» фож этишга қаратилган барча уринишлар ҳозирча ҳеч қандай натижа бермаяпти.



Дмитрий Фотьянов бўлиб ўтган сайловда кўп овоз олиб, кейинги босқичга чиққанди. 22 октябрь, якшанба куни бўладиган сиёсий тадбирга уч кун қолганида бу мудҳиш жиноят содир этилди.

Сайлов комиссияси вакилининг айтишича, ҳар қандай ҳолатда ҳам сайлов ўтказилади. Россия Федерацияси қонунчилигига кўра шаҳар мэрига учун Фотьяновдан кейин кўп овоз олган «Единая Россия»нинг яна бир аъзоси Владимир Войновнинг номзоди қўйилган.

Уюштирилган қотиллик шаҳардаги сайлов билан боғлиқ биринчи ҳодиса эмас. Сал олдин маҳаллий газета биносида автомобиль портлатиб юборилганди. Ёниб кули кўкка совурилган машинадан иккита «Калашников» автома-ти топилган.

## ТЕРРОРЧИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

диостанция ва гиёҳвандлик моддалари олинган.

Шимолий Кавказда ҳамон оғир криминал вазият сақланиб қолмоқда. Жангарилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларга тўсатдан ҳужум уюштиришмоқда. Россия федерал кучларининг саъй-ҳаракатларига қарамай жангарилар кўплаб қўпоровчиликлар содир этиб, Чеченистондан ташқари Доғистон, Ингушетияда ҳам тинч ҳаётни издан чиқаришга уринишмоқда.

## ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

Москвадаги солиқ инспекцияси биноси ёнида портлаш содир этилди. Портловчи қуримда 2-қаватдаги кондиционерга ўрнатилган экан. Шу сабабли портлаш бинонинг ташқи томонида юз берган.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилининг журналистларга берган интервьюсида айтилишича, солиқ инспекцияси биносига қисман зарар етган. Ойналар синган, девор кўчган. Шунингдек, бино ёнига қўйиб кетилган автомобил шикастланган. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга зиён етмаган.

Номаълум шахслар Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги хонадонлардан бирининг эшигини очиб, 400 минг сўм пул ва 1 млн 600 минг сўмлик тилла буюмларни олиб кетишди. Дастлаб пойтахт ИИББ ЖК ва ТҚКБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлар натижасида мазкур жиноятни содир этган Ю. Носир ушланди. Олиб борилган

**Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасида бир неча йиллардан буён пойтахтимизда ўғрилиқ жиноятини содир этиб келган Грузия Республикаси фуқароларидан иборат жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб берилмоқда.**

фуқаро Ц. Гоча билан содир этганлиги аниқланди. Тергов жараёнида улар ўзаро шерик бўлгани ва Тошкент шаҳрида 10га яқин хонадонларда ўғрилиқ жиноятини содир қилишгани аён бўлди. Гумондорлардан эшик қулфларини очишга мосланган ускуналар, қўлқоплар, темир кути далилий ашё сифатида олинди. Улар фуқароларга 64 млн сўмга яқин моддий зарар етказишгани

аниқланди. Мазкур гуруҳнинг қолган аъзолари грузиялик С.Шота А. Мераби, К. Довид, М. Леван ва С. Гогилар ҳам қўлга олиниб, тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотларга ғов бўлиб, жигилдонини ўйлаб, қинғир ишга қўл ураётганлар ҳамон учраб турибди.**

Сурхондарё вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакиллари Термиз шаҳрида ўтказилган тадбирда катта миқдордаги қўлбола ароқ тайёрлаган сохта тадбиркорни қўлга олишди. Олинган маълумотга кўра, шаҳарнинг Файзулла Хўжаев номли кўчасида исти-

қ о м а т  
қ и л у в ч и  
Ш. Шавкат ушбу ароқларни сотиши маълум бўлди. Тезкор хизмат ходимлари унинг ноқонуний фаолиятга чек қўйиш мақсадида хонадонига ташриф буюришди. Уйдан 0,5 литр ҳажмдаги 800 дона ароқ ва 199 дона елим идишдаги этил спирти топилди. Қонунбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли



бандларига асосан жиноят иши қўзғатилди. Бу масаланинг

# ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

**Ҳар тонг остона ҳатлаб кўчага чиқар экан, инсон аввало, ишида барака бўлиши, қолаверса, соғ-саломат оиласи, азиз фарзандлари ёнига қайтишни ниёт қилади. Лекин афсуски, фақат ниёт қилиш билан мақсадга эришиб бўлмас экан. Баъзида эътиборсизлик, шошма-шошарлик, айрим ҳолларда эса кўра-била туриб йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаслик кўнгилсизликларга олиб келаяпти.**

Шу йил 24 сентябрь куни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳудудидаги кўчада пиёда уриб юбориш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Кеч соат 23.00 лар атрофида транспорт воситасини бошқариб келаётган номаълум ҳайдовчи йўл четига кетаётган пиёда, фарғоналик Э. Хотамни уриб юборди ва жабрланувчига ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан қочиб кетди. Шу ердан ўтиб кетаётган наманганлик О. Отабек қонга беланиб ётган Хотамни кўриб қолиб, уни шифохонага олиб борди. Шифокорлар жабрланувчига тез тиббий ёрдам кўрсатишди. Муолажалардан сўнг ўзига келган пиёда бўлган воқеани баён қилди.

Воқеа жойига шу куни тунги хизматда бўлган йўл-патруль хизмати инспекторлари, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ қидирув бўлими ходимлари етиб келишди. Улар ҳайдовчи ва транспорт воситасини қиди-

риб топиш юзасидан тезкор ҳаракатларни амалга оширишди. Жабрланувчи ўзини уриб юборган машина оқ рангда эканлигини айтди. Қидирув ишларидаги асосий эътибор ана шу рангдаги автомашинани топишга қаратилди. Лекин жабрланувчининг кийимидан кўк рангли бўёқ парчалари топилди. Шунда ички ишлар ходимлари жабрланувчини шифохонага олиб келган йигитнинг хатти-ҳаракатларига эътибор қаратишди. У тинмай уяли телефони орқали ким биландир гаплашар, юриш-туриши бесаранжом эди. Кўп ўтмай ҳайдовчи ва транспорт воситаси топилди. Отабек ҳам воқеа иштирокчиси бўлганлигини ҳайдовчи гапириб берди.

Бир бегуноҳ инсонга оғир тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан қочиб кетган ҳайдовчи, шунингдек, қидирув ишларини чалғитмоқчи бўлиб, ёлғон маълумотлар берган гувоҳ энди қонун олдига қилмишларига яраша жавоб беришди.

бир томони. Лекин унинг иккинчи томони ҳам бор. Наҳотки, Шавкатнинг бу ишидан кўни-кўшни, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар беҳабар бўлишган? Ахир истеъмолга яроқсиз қўлбола ичимликлар туфайли қанчадан-қанча инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмаётганини билишмайдимиз? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш вақти аллақачон етиб келди.

Шунингдек, Бухоро вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан Бухоро шаҳрида яшовчи М. Олимга тегишли автокорхона ҳудудида турган «Нексия» русумли автомашинанинг юкхонаси кўздан кечирилганда, 40 дона 1 литр сифимли ва 110 дона 0,5 литр сифимли қўлбола ароқлар борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилди.



## ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

# МУЮЛИШДАГИ ТЎҚНАШУВ



**Биргина хато инсон ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юбориши мумкин. Қуйидаги аялчан воқеа фикримизга яққол мисол бўла олади. Оқшом пайти, лекин артофга қоронғулик тушмаганди. Раҳим Абидов «Форд» русумли юк автомобилни елдек учириб борарди. Йўл текис. Қарши тарафда ҳам машиналар кўринмайди.**

— Ака, секинроқ ҳайданг, ўзи кайфингиз бор бўлса. Эсон омон уйга етиб олайлик, — деди укаси Маъмур япинганнамо.

— Хавотирланма, аканг тажрибали, уста ҳайдовчи. Бу йўллар менга чўт эмас. Шунча

йилдан бери «перевал»да қатнайман-а.

— Биламан, лекин барибир эҳтиёт бўлган яхши-да.

Машина ўнга буррилди. Шу пайт нимадир қарсиллагани, аёлларнинг қаттиқ қичқириви эшитилди. Ваҳимага тушган Раҳим не қиларини билмасди. Укаси ҳам дағ-дағ титрар, тили калмага келмасди. Чунки юк машинасига келиб урилган «Дамас» кучли зарб натижасида ағдарилган, ичидаги йўловчилар жон талвасида қийналарди.

— Рулда сен эдинг, тушун-



дингми, ука. Мен спиртли ичимлик ичганман. Ёрдам қил. Бўлмаса ҳолим вой, — дея Раҳим воқеа жойидан тезда кетворди. Қилмиши не чоғли оғирлигини англаб, ўлим билан олишаётган йўловчиларга кўмак бериш ўрнига, осонгина қочиб кутулмоқчи бўлди. Унинг масъулиятсизлиги туфайли Чуст тумани марказидан Олмос қишлоғи томон «Дамас» автобилида кетаётган Мухаррам Қодиро-

**Дониёр ТўЛАНОВ,**  
катта лейтенант.

**Муборак Рамазони шариф якунига етмоқда. Яна бир неча кундан кейин бутун дунё мусулмонлари рўза ойини тугатиб, ҳайит байрамини нишонлайдилар. Саҳифамизнинг бугунги меҳмони Имом ал-Бухорий номли Тошкент ислом институти ўқитувчиси Мўминжон ҳожи Сайдалиев билан ана шу қутлуғ айём ҳақида суҳбатлашдик.**

— Мухтарам домла, рўза ибодатини адо этган мўмин-мусулмонлар қандай савобга эга бўлишларини яна бир бор эслатиб ўтсангиз.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳга ҳамду санолар, беадад шукрлар бўлсинки, муборак Рамазон ойида рўза тутиш насиб қилиб,

исломнинг фарз ибодатларидан бирини адо этишга муяссар бўлмоқдамиз. Бу ойда муқаддас Куръони карим нозил бўлган. Аллоҳ рамазон ойида мўмин-мусулмонларга рўза тутишликни буюрган. Бу ибодатдан келадиган ажру савоблар беҳад кўп. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.в) «Агар мўминлар Рамазон ойининг савобини қандайлигини билганларида эди, йилнинг барчаси Рамазон ойи бўлишини орзу қилардилар» деганлар.

Рамазон рўзасини тутганлар Аллоҳнинг мағфиратидан баҳраманд бўладилар, раҳматига муяссар бўладилар, гуноҳлари авф этилади, хатолари кечирилиб, қалблари покланиб, гўё онадан янги туғилгандай бўладилар, дўзах азобидан қутуладилар. Аллоҳ йўлида қилинган бу ибодат туйиб қилганлар билан айли

мўминларнинг саломатлиги яхшиланади. Тана ҳам покланиб, соғлиғи тикланади. Рўза тутиш қоидаларига амал қилиб, уни адо этганларга ёзиладиган ажру савоблари ҳақида Пайғамбаримиз Ҳади-

ўртада гина-қудуратлар унутиланган.

Ислом дини диёризмизга кириб келгандан кейин, ҳайитларни нишонлашда миллатимизга хос фазилатлар, одатлар уйғунлашиб кетди. Масалан, айём кунда яқин-йироқдаги қариндошларни, бемор, кекса кишиларни йўқлаш, оила аъзоларига янги ли-



лар дастурхон тугаб, уни турли ширинликлар билан тўлдирадилар.

Ҳайит байрамида кексаларни йўқлаш, беморлар ҳолидан хабар олиш, қариндош-уруғ, дўсту биродарларникига меҳмонга бориб айём билан қутлаш хўп савобли

ганлар ҳам гувоҳи бўлишган. Ҳамма ибодат билан машғул бўлаётган пайтда, маҳаллий осойишталик посбонлари постда туриб, атрофни кузатиб туришади.

Мен ўзим ислом институтида дарс бериш билан бирга Собир Раҳимов туманидаги Чимир ота масжидида имом-хатиблик ҳам қиламан. Ҳар гал жума намозига йиғилганларнинг транспорт воситаларини тартибли жойлаштириш, ҳаракатини назорат қилиб турган йигитларни кўриб, кўнглимиз хотиржам бўлади. Бу шаҳримиздаги ҳамма мас-

жидларда жума намози давомида бир-икки нафар ички ишлар хо-

димлари хизматда бўладилар. Худди шунингдек, ҳайит намоз кунлари ички ишлар ходимлари ярим тундан бошлаб постда туришади, транспорт воситалар ва пиёдаларнинг ҳаракатини тартибга соладилар. Минглаб намозхонларнинг автомашиналарини жойлаштириб, жамоат тартибини сақлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳар қандай инсон форма кийиб турган ходимни кўргандан кейин кўнгли таскин топиб, хотиржам бўлади. Ҳайит намозидида тинчлик-осойишталик ва жамоат хавфсизлигини сақлаш йўлида постда турган ички ишлар ходимларининг хизматига омад, ўзларига, оила аъзоларига саломатлик, хонадонларига файзу баракот тилаб дуо қиламиз. Муборак Рамазон ойида масжидларда таровеҳ намози ўқилиб, хатми Куръон қилинганда юзлаб намозхонлар йиғилишди. Бунда ҳам ички ишлар ходимлари жамоат тартибини сақлаш учун постда турдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Бир кеча-кундуз рибот (яъни посбонлик) бир ой тугилган нафл рўза ва ўқилган тунги намоздан яхшидур», деб марҳамат қилганлар. Фурсатдан фойдаланиб, барча намозхонлар номидан ички ишлар ходимларининг машаққатли хизматлари учун самимий миннатдорчилик билдираман. Барчаларини яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити билан муборакбод этаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

# ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ДОИМО ДУОМИЗДА

си шарифда «Кимки Рамазон рўзасини иймон, ихлос билан ва Аллоҳ ҳузурдаги савоблардан умид қилган ҳолда тутса, унинг аввалги ва кейинги гуноҳлари кечирилади» деганлар.

— Рамазон ҳайитининг тарихи ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мўмин мусулмонлар учун рўза тутиш муддати бир ой қилиб белгиланган. Ана шу ибодатни адо этиб, Аллоҳнинг ажру савобларига эришганлар учун Шаввол ойининг биринчи кунинда байрам қилиш, шоду хуррамлик билан ўтказиш Аллоҳ томонидан Пайғамбаримиз (с.а.в) орқали тавсия этилган. Бу Муҳаммад Пайғамбаримизнинг (с.а.в) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин Рамазон ойи рўзасини тутиш буюрилгандан сўнг бўлди. Уматларга айём сифатида нишонлаш тавсия этилган бу кунни хурсандчилик, шодлик билан ўтказиш удулга айланди. Шунинг учун ҳам мўмин мусулмонлар бу кунни интиқиб кутадилар. Албатта, Аллоҳнинг буйруғини адо этиб, унинг савобига мушарраф бўлишнинг ўзи катта байрам. Шунинг учун ҳам уни улуг айём дейишга ҳақлимиз.

Қадимда ана шу байрам муносабати билан урушлар тўхтатилган, томонлар муросага келишган. Аразлашиб юрганлар ярашиб,

бослар олиб бериш кабилар. Ҳайит байрами миллатимизнинг энг улуг айёмларидан бирига айланиб, шўролар даврида ҳам аҳамиятини йўқотмади.

— Мухтарам домла, бу қутлуғ айёмни қандай нишонлаш маъқул?

— Шўролар даврида ҳайит байрамларини кенг нишонлаб, шоду хуррамлик билан ўтказишга қаршилик билдирилган. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, юртимизда мустақиллик шамоли эсиб, фуқароларга эътиқод эркинлиги ҳуқуқи

**«Бир кеча-кундуз рибот (яъни посбонлик) бир ой тугилган нафл рўза ва ўқилган тунги намоздан яхшидур»...**

берилди. Ўзини мусулмон ҳисоблаган ҳар бир фуқаро ислом дини фарзларини адо этиш шарафига муяссар бўлди. Яна бир қувончлиси шундаки, Юртбошимиз фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунини умумхалқ байрами сифатида дам олиш кунини деб эълон қилинади. Шунинг ўзи бу байрамларни зўр хурсандчилик билан нишонлаш кераклигини билдиради. Одатдагидек, ҳайит намози ўқилгандан кейин фуқаролар бир-бирларини айём билан муборакбод этадилар. Кейин оила даварасида қутловлар бўлади. Аёл-

иш саналади. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларни айём кунлари хурсанд қилган, софга улашган, моддий ёрдам берганлар ҳам Аллоҳнинг ажру савобига мушарраф бўладилар. Бу ҳақда Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Сизларнинг ризқингиз ва ютуқларингиз асосан заиф ва бечораларга ёрдам беришингиз сабабидан зиёда бўлади» деб таъкидлаганлар.

Бу қутлуғ кунларга етиб келганлар ҳам, етиб келмаганлар ҳам бор. Ўтиб кетганларни эслаб, уларнинг руҳини шод этиш ҳаммамиз учун лозимдир. Бироқ фуқароларимизнинг айнан ҳайит кунлари марҳумларни ёд этиш мақсадида яна аза очишлари ислом дини шариатида йўқ. Аёллар бир-бирлари билан йиғлаб кўришиб, эркаклар кўнгли сўрашишлари байрам эмас, азадорлик белгисидир. Ҳар йили Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан бу урфга амал қилмаслик ҳақида фатво берилади, масжидларда имом-хатиблар тушунтириш ишларини олиб борадилар, матбуотда ҳам ёзилади. Бироқ кўпчилик эскидан давом этиб келаётган бу одатни тарк эта олмаяпти.

— Айни байрам кунларини постда ўтказадиган ички ишлар ходимларининг хизматига қандай савоблар ёзилади?

— Эл-юрт тинчлиги осойишталигини сақлаш улуг савобли иш. Ҳаж сафарига бор-





**Жадидчилик ҳаракатининг дарғаси, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январиди Самарқандда руҳоний оиласида туғилди.**

**Тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат-савод чиқаради. Эски мактаб-мадрасада ўқийди. Араб тилини ўрганади. Қозихоналарда мирзалик, қозилик вазибаларида ишлайди. 1893–1900 йилларда Маккага ҳаж сафарига боради.**

# МАҲМУДУХЎЖА БЕҲБУДИЙ

тарғиб этишга даъват этди.

Вақтли матбуот саҳифаларида замонасининг долзарб мавзуларига бағишланган ижтимоий-сиёсий, тарихий-адабий мақолалари билан фаол иштирок этади. Унинг 1910-йиллар Туркистон матбуотида 300 дан ортиқ мақолалари эълон қилингани маълум. Ушбу мақолаларнинг марказида мактаб, маориф, маданият, маърифатпарварлик гоёларининг тарғиботи туради.

1913 йилда у Самарқандда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналининг ташкил этади. Ҳар иккала нашрнинг асосини маърифат, маданият, миллат ва озодлик гоёлари ташкил қилади. У 1911 йили «Падаркуш» драматини яратди.

Беҳбудий янги усулдаги мактабларнинг илк тарғиботчи ва асосчиларидан бири, шунингдек, ана шу мактаблар учун дарсликлар ҳам яратган йирик маърифатпарвардир.

Беҳбудий 1917 йилги февраль ва октябрь воқеаларидан кейин Туркистоннинг мустақил, озод бўлиши учун тинмай курашди ва шу йўлда ўз жонини фидо қилди. У Туркистоннинг миллий давлат қурилиши масаласини ўртага ташлади. Ўз халқи тараққиётини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишида деб билди. Унинг «Ҳақ олинур, берилмас!» деган

сўзлари жадидларнинг шиорига айланди. У Туркистон Мухториятини олқишлади. Унинг ҳукуматида аъзо сифатида сайланди. Туркистон Мухторияти қонга ботирилгандан сўнг у сиёсатдан бош тортди ва Самарқандда маориф бўлими мудири бўлиб ишлади. Лекин мустақиллик умидларидан воз кечмади.

Шўролар ҳукумати-нинг қирғинлари, адолатсизликлари авжига келганда, бу ҳолни жаҳонга маълум қилиш учун йўлга отланган Беҳбудий Бухоро амри томонидан ҳибсга олиниб, 1919 йилнинг баҳориди Қарши шаҳрида қатл этилади.

М. Беҳбудий қабрининг қаердалиги номаълум.

1903–1904 йилларда Москва, Петербург, кейинроқ Қозон, Уфа шаҳарларига боради. 1914 йилда Арабистон, Миср, Туркия каби бир қатор мамлакатларда бўлади.

У ўз даврининг йи-

рик исломшуносларидан бири, муфтилик рутбасига эришган зот эди. Беҳбудий шу билан бирга ҳамisha бидъатга қарши кураш олиб борди ва ўз асарларида динни тўғри тушунишга ва

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**КҮЙ.**  
Ушбу ҳафтада қувончли воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Ҳаётингиздаги ўзгаришлардан кайфиятингиз кўтарилади. Дам олиш кунлари дўстларингиз йўқлаши мумкин.

**СИГИР.**  
Ўз куч-қувватингизга таяниб иш кўринг. Техника янгиларини барча жабҳаларга жорий этишингиз муҳимдир.

**ЭГИЗАКЛАР.**  
Шахсий алоқалардан унумли фойдаланишингиз зарур. Яқинларингиз билан муносабатларда жуда эҳтиёт бўлинг. Акс ҳолда хайрихоҳлигингизга ишонмасликлари мумкин.

**ҚИСҚИЧАҚА.**  
Муҳаббат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун фидойилик кўрсатишингизга тўғри келади. Ҳар қандай вазиятда ҳам руҳингизни туширмасликни маслаҳат берамиз.

**АРСЛОН.**  
Йўлга қўйилган алоқаларни янада кенгайтириш учун атрофингиздаги одамларга эътиборни кучайтиринг. Аниқ режа асосида иш кўришингиз барча соҳада омад келтиради.

**БОШОҚ.**  
Дўстлар даврасини кенгайтириб, янги танишлар орттиришингиз мақсадга мувофиқдир. Нималарга қодир эканлигингизни муҳим ишларни бажаришда синаб кўрганингиз маъқул.

**ТАРОЗИ.**  
Мазкур етти кунликда ишлар купайиб кетади. Холис ёрдам кўлини чўзган одамларнинг кўмагидан фойдаланишингиз фойдадан холи эмас. Бунинг учун аввало, ўзингиз уларга меҳр-мурувват кўрсатишингиз зарур.

**ЧАЁН.**  
Ушбу ҳафтада ижод билан шуғулланиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаринг. Сизга ишонч билдираётган инсонга меҳр-мурувват кўрсатишингиз фойдадан холи эмас. Фақат дилингиздаги гапларни ошкор этиб юборманг.

**ЁЙ.**  
Ишқий саргузаштлар истиқболингизга ўз таъсирини кўрсатади. Ижодий изланишлар туфайли шахсий ҳаётингизни яхшилаш имконияти бор.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**  
Мавқеи юқори инсонларнинг эътиборини қозонишга муваффақ бўласиз. Ҳар қандай ишга жиддий ўйлаб киришингиз. Шунда кўзланган мақсадга эришингиз осонлашади.

**КОВГА.**  
Оиладаги мавқеингиз ҳамда жамоадаги обрўингизни сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. Яқинба кунни ота-онанингизни бориб кўришга вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

**БАЛИҚ.**  
Яқин кунларда қай даражада сабр-тоқатли эканлигингизни синаб кўришингизга тўғри келади. Чунки раҳбарлар сиқувга олиши ёки умр йўлдошингиз инжиқлик қилиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан иш тутинг.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, «Ветеран» жамғармаси раиси, истеъфодаги полковник **Рауф Галиевич ФАХРУТДИНОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Яна кўп йиллар саломат бардам бўлиб, фарзандлари, шогирдлари ва сафдошлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

Республика ИИБ раҳбарияти ва Фахрийлар кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш Бирлашмаси алоҳида милиция батальони катта иш юритувчиси, катта сержант **Камола ЭШМАТОВА**ни таваллуд топган куни билан чин юракдан муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, шахсий ҳаётида бахт, ишларида омад тилаймиз.

Батальон раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлигининг ўринбосари, подполковник **Ғайбулла Икромович ПАРМАНОВ**ни таваллуд куни билан самимий қутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлидаги сермашаққат хизматларида омадлар тилаб қоламиз.

ИИБ ППХ ва ЖТСББ жамоаси ва оила аъзолари.

## ТҮЙХАТ ЎРНИДА

# ҲАМИША ИШГА ЧАНҚОҚ

**Одатда инсонларнинг умри танлаган касбига чамбарчас боғланиб кетади. Яқиндагина 50 ёшни қаршилаган Андижон вилояти ИИБ ЭКБ бошлиғи, полковник Фуломжон ака Раҳимов 37 йилдирки, ички ишларда хизмат қилади. Фаолиятининг асосий қисми эса эксперт-криминалистика бўлими билан боғлиқ.**

Фуломжон Ғофурович билан хизмат юзасидан кўп мартаба мулоқотда бўлганман. Бу инсоннинг энг яхши хислати ўқиб ўрганганини ходимларига ўргатиш ҳамда вақтини беҳуда ўтказишни ёмон кўради. Салкам 30 йил давомида кўплаб шогирдлар тайёрлаган. У устозлари Григорий Гострый, Урал Гайнутдиновларни хурмат билан эслайди. Улардан иш юритишни ўрганганини фахр билан сўзлаб беради.

Янгилликка интилувчи бу инсон республикамизда биринчилардан бўлиб бармоқ изларини компьютер ёрдамида текшириш «Адис-Сонда» тизимини йўлга қўйилишига бош-қош бўлди.

2005 йил Андижон воқеаларида вазирлик эксперт-криминалистика бўлими ходимлари билан бирга у ерда хизмат са-

фарида бўлганимизда Фуломжон ака бошчилигидаги бўлим ходимлари экстремизм кўринишларига оид жиноят ишларни тергов ва тезкор ҳаракатларида қатнашиб, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига катта ёрдам бердилар.

Фуломжон акада бўш вақт бўлмайди, лекин вақт топиб оммавий ахборот воситаларида жиноятчиликни олдини олиш ва касбга оид мақолалар билан иштирок этиб туради. Унинг «Қонли олишув» асари асосида Пўлат Саидқосимов бошчилигида тўрт сериядан иборат телевизион бадий фильм ҳам суратга

олинган. Ушбу фильм 2004 йил апрель ойида Москва шаҳрида ўтказилган ҳуқуқ тартибот тизимларининг ҳужжатли ва бадий фильмлар кинофестивалида бош совринга сазовор бўлди.

Фуломжон акани кўпчилик доимо иш устида кўргани учун «ишга чанқоқлик отасидан ўтган», — дейишади.

Фуломжон Раҳимов турмуш ўртоғи Мавлудахон опа билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб камолга етказмоқдалар. Катта ўғли Илҳомжон ишлаб чиқариш касбини танлаган бўлса, ўртанча ўғли Иномжон ички ишларда хизмат қилмоқда.

Ҳа, Фулом ака касбига астойдил меҳр қўйган, эъзозлаган инсондир. Фарзандлари ва шогирдларига ҳам бу ҳаёт фалсафасини бот-бот таъкидлаб келадилар. Бу каби ажойиб фазилатлар Фулом акани асло тарк этмасин.


Ҳусан ФАЙЗИЕВ,  
подполковник.



# ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Грипп — ўткир юқумли касалликлар тизими орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Грипп сўзи француз тилидан таржима қилинганда сиқувга олиш, чангаллаш деган маънони билдиради. Тана ҳароратининг кўтарилиши ва юқори нафас йўллари-нинг яллиғланиши билан кечади. У бемордан соғлом одамга ҳаво-томчи йўли билан, яъни бемор гапирганда, йўталганда аксирганда юқади. Шунингдек, касаллик бемор ишлатган рўмолча, сочиқ, ўйинчоқлар орқали ҳам юқиши мумкин. Ҳозирги замон транспорт воситалари (автобус, трамвай, троллейбус, поезд, самолёт ва бошқалар) гриппнинг мамлакатлараро, қатъалараро тарқалишига ҳам сабаб бўлмоқда. Грипп эпидемияси вақтида аҳолининг 50-70 фоизи касалланади.

Беморда грипп тана ҳароратининг кўтарилиши, қўл ва оёқ мушакларида оғриқ пайдо бўлиши билан бошланиб, кўз ёшланади, бурундан суюқлик келиб, томоқ оғриғи билан бирга қуруқ йўтал безовта қилади. Бемор қувватсизланганда айрим ҳолларда бурундан қон келиши мумкин. Касаллик билан оғриган беморлар шифокорларга мурожаат қилгунга қадар парацетамол ҳабдориси ичиш тавсия этилади.



Касалликни олдини олиш чоралари:

1. Бадантарбия билан мунтазам шугулланиш.
2. Тўғри, сифатли, ўз вақтида овқатланиш.
3. Уюшган жамоаларда (боғча, мактаб, муассаса ва ташкилотларда) тозалikka рия қилиш ва 4 қаватли докадан тикилган ниқобда юриш.
4. Куз ойларининг бошларида тиббиёт муассасаларида эмлаш ўтказиш.

Ёдда тутинг!

Грипп билан касалланган беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ўпка, мия пардаси ва бошқа аъзоларнинг яллиғланиши каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Касаллик белгилари кузатилиши биланоқ шифокорга мурожаат қилинг. Ўз билганингизча антибиотиклар қабул қилманг, чунки антибиотик вирусга таъсир қилмайди.

Муҳаббат РАҲИМОВА,  
ИИВ Марказий поликлиникаси бўлинма бошлиғи.

Сабзавот маҳсулотларидан бири — шолғом ўзбек хонадонларида кенг истеъмол қилинади. У таомларни тотимли қилибгина қолмасдан, балки кўпгина хасталиклар давоси сифатида ҳам қадрланади. Шолғом илдизмеваси таркибида 9 фоз қанд, минерал тузлар, В1, В2, В6, РР, каротин каби дармондорилар, оқсил, карбон сувлари, эфир мойи, кальций, фосфор, темир сингари микро ва макро элементларни сақлайди. Шу билан бирга, азотли моддалар, калий тузлари жо бўлган. Шу боис бир қатор хасталиклар учун шифобахдир.


ланишига қарши қўлланиладиган оғриқ қолдирувчи хосияти бор. Ундан малҳам тайёрлаш учун 30 грамм шолғом олиниб, обдон майдаланилади, устига 200 мл. қайноқ сув солинади ва 15 дақиқа қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмадан 2 ош қошиқдан ичилади. Бундай қайнатмага арслонқуйруқ ёки тоғ сумбули билан қўшилгани уйқусизликда яхши омил сифатида қўлланилади, асабни тинчлантиради.

Шолғомни хомлигича ейиш қабзиятда фойдали. Ичак яллиғланган пайтда, меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасига мубтало бўлганларга уни хомлигича ейиш тавсия этилмайди.

# ШОЛҒОМ — ҚУВВАТБАХШ НЕЪМАТ

Буюк аллома Абу Али ибн Синонинг ёзишича, шолғомнинг кўрда кўмилгани билан тери касалликларини, совуқдан пайдо бўлган яра ва ёрилишларни даволаш мумкин. Шолғомни гўшт билан пиширилгани кўкрак ва томоқни юмшатади. Уни пишириб ёхуд хомлигича истеъмол қилинса, кўз, нафас йўли, юрак беҳаловат бўлганида малҳам бўла олади.

Шолғомнинг асал билан аралашган шарбати йўталга барҳам беради, ҳарорат кўтарилганда, томоқ оғриганда наф беради. Парҳез таом сифатида гипацид гастритда, ўт (сафро) йўлида, спастик қабзиятда тавсия этилади. Унинг яллиғ-



Қайнатмаси овозни равон қилади, айниқса, бу хонадалар учун фойдали. Бўтқаси подагра билан озорланган жойларга боғлаб қўйилса, дардни бирмунча енгиллаштиради.

Шолғом ичи ковак қилиб уйилади, унинг ичига карт

думба бўлаги ёки саримой ёхуд асал солиниб, бугда пиширилади. Уни истеъмол қилинса, кишига қувват бағишлайди.

Шолғом пиширилганида шифобахшлиги яна ортади. Пишириш жараёнида шолғом илдизмеваси «бисоти»даги глюкозид хантал мойига айланади.

М. ШАРИПОВ,  
доришунос.

## ФУТБОЛ

# «ПАХТАКОР» ЧЕМПИОНЛИККА ЖУДА ЯҚИН



Пахтакорчилар ўз майдонида Тошкентнинг яна бир вакили — «Трактор» жамоаси билан тўқнашдилар. Илк дақиқалардан ҳужумга ташланган мезбонлар биринчи бўлимда учрашув тақдирини ҳал қилишди. Темур Копадзе ва Зайниддин Тожиев биттадан гол уриб, жамоасини олдинга олиб чиқди.

Иккинчи бўлимда «Трактор» ҳужумчиси Карлен Абрамов «Пахтакор» дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобдаги фарқни қисқартирди. «Пахтакор»чилар сўнгги дақиқада жуда хавфли ҳужум уюштирдилар. Нигериялик легионер Ихеруоме Уче меҳмонлар дарвозасига гол киритиб, жамоасига 3:1 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди.

Қаршида, кумуш медаль учун беллашаётган «Насаф» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги баҳс кўплаб мутахассислар эътиборини ўзига жалб этди. Чемпионат якунланишига уч тур қолганда, бу икки жамоа бир хил очко жамгарган

**Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионатининг олий лига-сида бўлиб ўтган йигирма еттинчи тур учрашувлари мурасасиз беллашувларга бой бўлди. Бешинчи маротаба чемпионлик унвонини қўлга киритиш арафасида турган «Пахтакор» жамоаси навбатдаги уч очкони қўлга киритди.**

лиги учун иккинчи ўрин масаласи мазкур ўйинда ҳал бўлиши керак эди.

Кескин курашларга бой бўлган баҳсда омад меҳмонлар тарафида бўлди. «Нефтчи» ярим ҳимоячиси Мансур Саидов учрашувнинг иккинчи бўлимида «Насаф» дарвозасига икки тўп киритиб, жамоасининг ғалабасига катта ҳисса қўшди. Ўз майдонида енгиллини хоҳлаган қаршиликлар сўнгги дақиқагача кураш олиб боришди. 89-дақиқада Дилшод Мавлонов пенальтини аниқ бажарди. Аммо Юрий Саркисян шогирдлари устунликни сақлаб қолдилар ва учрашув фарғоналик-

лар фойдасига ҳал бўлди. Турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Тўпаланг» — 3:1, «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 1:1, «Машғал» — «Шўртан» — 2:0, «Хоразм» — «Самарқанд-Д» — 0:4, «Бухоро» — «Навбахор-Н» — 2:1, «Қизилқум» — «Металлург» — 5:0.

Мусобақа жадвалида 73 очко жамғариб пешқадамлик қилаётган «Пахтакор» навбатдаги чемпионликка жуда яқин. Мабодо, пахтакорчилар 21 октябрь куни 28-тур баҳсида «Нефтчи»га мағлубиятга учрамаса, муддатидан аввал олтин медални қўлга киритади.

Асосий рақиби «Насаф»ни мағлубиятга учратган «Нефтчи» футболчилари эса қолган турларда орадаги фарқни ушлаб қолиб, кумуш медальга ҳаракат қиладилар. 61 очко билан учинчи ўринни банд этган «Насаф»нинг юқорига кўтарилиш учун барча учрашувларда ғалаба қозонишига тўғри келади.

Отабек ЭЛТОВЕВ.

## ШАХМАТ

# КУЧЛИЛАР БАҲСИ

Россиянинг Элиста шаҳрида шахмат бўйича жаҳоннинг мутлоқ чемпиони унвони учун мусобақанинг якуний партияси бўлиб ўтди.

Унда россиялик гроссмейстер Владимир Крамник ФИДЕ йўналиши бўйича ўтган йилда чемпион бўлган болгариялик Веселин Топаловга қарши дونا сурди.

Ўн икки партиядан иборат асосий баҳсларда 6:6 ҳисоби қайд этилди. Учрашув регламентига кўра, бу ҳолда тезкор шахматларда тай-брейк уйналиши лозим эди.


Тай-брейкда россиялик шахматчининг қўли баланд келди ва рақибини 2,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, шахмат бўйича мутлоқ жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, Элистадаги учрашувдан олдин болгариялик В. Топалов 2813 очко билан октябрь ойи рейтингининг биринчи, 2779 очко тўплаган ҳиндистонлик В. Ананд иккинчи, россиялик В. Крамник эса 2750 очко билан учинчи ўринларни банд этиб турибди. Ҳамюртимиз Р. Қосимжонов ҳисобида 2672 очко бор.



## БОКС

# КЛИЧКО ВАЛУЕВГА ҚАРШИ



IBF йўналиши бўйича супероғир вази тоифасидаги жаҳон чемпиони Владимир Кличко россиялик Николай Валуйевга қарши жангга тайёр эканлигини маълум қилди. Мабодо жанг ҳақидаги таклифни Валуйев жамоаси билдирса, Кличконинг вакиллари бажонидил қабул қилишади.

«Бизга бундай таклиф тушса, ўз розилигимизни берамиз», — дейди украиналик боксчининг менеджери Бернд Боенте. Эслатиб ўтамиз, 11 ноябрь куни Владимир Кличко ўз титулини ҳимоя қилиш учун Келвин Брокка қарши жанг ўтказди.

Ф. АЗИЗОВ.

**Газетамизнинг азиз мухлислари!**

Газетамизнинг янада мазмули ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятида-миз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирақ қилинг!




Хафтаининг шанба ва якшанба кунлари эса куйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача



**Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!**

**Мурожаат учун телефонлар:**

**139-73-88  
139-75-37**

Бизнинг электрон манзилимиз: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)



**РАМАЗОН ҲАЙИТИ – УЛУҒ БАЙРАМ**

Бутун дунё мусулмонлари учун улуг байрам яқинлашмоқда. Рўза ибодатини адо этган мўминлар Аллоҳдан ажру савоб олганларини хурсандчилик билан нишонлаш мақсадида ҳайит байрамини ўтказадилар.

Маълумки, бир ой давомида рўза тутганлар Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўладилар. Уларнинг гуноҳлари афв этилиб, хатолари кечирилади, тавбалари қабул қилинади. Аллоҳнинг мағфиратига сазовор бўлганлар эса дўзах азобига дучор қилинмайди. Қалбида иймон, эътиқод ҳисси бўлган, Аллоҳ йўлида рўза тутган ҳар бир мусулмон бу ибодатни адо этиш билан саломатлиги ҳам яхшиланганини айтиб ўтиш жоиз.

Келаётган душанба Рамазон ҳайитининг биринчи

куну. Бу кун қадим-қадимдан, аниқроғи юртимизга ислом дини кириб келгандан бери улуг байрам сифатида нишонланиб келяпти. Ҳайит айёмининг фазилатлари кўп. Мўминлар қутлуг кунда бир-бирларини байрамга соғ-саломат етиб келганлари ва айёми нишонлаш насиб этгани билан табриклайдилар. Мана шу кунларда халқимизга хос инсоний фазилатлар яна бир бор намоён бўлади. Фарзандлар ота-оналарини, ака-ука, опа-сингиллар бир-бирларини йўқлаб боришади. Қариндош уруғлар жамуллаш бўлишади. Бир-бирларига эзгу тилаклар билдирадилар. Айниқса, кексалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиб, байрам билан қутлаб, кўнгилларини кўта-

ришга ҳаракат қиладилар. Қутлуг айём кунлари мискинларга моддий ёрдам бериб, байрамда хурсанд қилганлар учун катта савоб ёзилади.


Байрамнинг фазилатларидан яна бири, илгари урушлар тўхтаб, томонлар ўзаро аҳиллашишган. Модомики шундай экан, бир-биримиздан ўтган хато ва камчиликларни кечириб, гина-қудуратларни унутиб яна иноқлашасан, нур устига нур бўлади. Дўстлик, биродарлик йўлида қўл берганларни Аллоҳ гуноҳларидан ўтиб, ишига ривож, хонадонига файзу барака ато этади.

Яқинлашиб келаётган улуг байрамни тинч ва осойишта ўтиши учун хизмат қиладиган ички ишлар ходимларининг ҳам оиласида хотиржамлик, рўзгоридан барака аримасин.



*Тинчликни сақлаш учун, Ёнимиздадир кун-тун, Биз доимо постдамиз. Газетамиз — «Постда»миз.*

**БАЙРАМ СОВҒАСИ**




**Қадрли муштарий!**

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубҳамиз йўқ. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва иштилиш бўлса бас.

Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чап-лана бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган ҳолда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шунда кичик «мўъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намоён бўлади ва сиз ажойиб шакли гўзал бир манзарада кўрасиз.

Авалги сонда берилган стерео-тасвирнинг кўриниши



**ҲАДИСИ ШАРИФДАН**

*Қилиб кўйиб, сўнг узр сўраладиган ишдан сақлан.*

*Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан.*

*Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинглар.*

*Судхўрликда фойда олувчи билан уни берувчининг гуноҳлари баробардир.*

*Оила нафақасидаги тежамкорлик тирикчиликнинг ярмига тенг. Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига тенг. Савоб сўраш одобларини билиш илмнинг ярмига баробар.*

*Омонатни сақлаб, вақтида қайтариш кишининг ризқини зиёда қилади. Омонатга хиёнат қилиш эса қашшоқлик келтиради.*

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ ЕХБ бошлиғи, полковник Д. Пулатовга онаси **МАРЯМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилоят ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлик бошқармаси бошлиғи, полковник Д. Пулатовга онаси **МАРЯМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилоят ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Нишон тумани ички ишлар бўлими Таллимаржон шаҳар милиция бўлинмаси навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, катта сержант **Ақтам БЕРДИЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ШТМБИ бошлиғи, майор З. Нуриддиновга отаси **Фозилжон НУРИДДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Учкўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи уринбосари, майор Б. Фуломовга падари бузруквори **ГУЛОМЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**МАРХУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

<p><b>Bosh muharrir</b> <b>Aziz ERNAZAROV</b></p>	<p>Bosh muharrir o'rinbosari <b>Ulug'bek MAMADALIYEV</b> Mas'ul kotib Erkin SATTOROV</p>	<p>Navbatchi: Azizjon Fayziyev Sahifalovchilar: Zokir Boltayev <b>Nikita Slavgorodskiy</b> Matn ko'chiruvchi: <b>Gulnora Sodiqova</b></p>	<p>Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi. Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl!</p>
---	--	---	---	--

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51 E-mail: [urmvd@inbox.uz](mailto:urmvd@inbox.uz)

Tahririyat hisob raqami 202 10000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik Investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2925. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55250 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.